



O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN‘ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 29 (4584) 2020-yil 7-avgust

Адиблар хиёбони — маърифат бўstonи



ШУКР ДЕЙМАН, БАРИГА ШУКР

Бугун Адиблар хиёбонига қадам қўйган инсон кўз ўнгиди буй кўрсатган ажиб гўзалликдан ҳайратга тушади. Кўзларига шионмайди. Қисқа вақт ичида соҳир қўллар бунёд этган жаннатий гўша олдида бир зум хаёлга чўмади.

Адиблар хиёбонининг тўрида кад рост-лаб турган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг улғувор ҳайкали гўё сизни нафис мажлисга чорлаётгандек. Гул бутокларига кўнган кушлар гўё шоир ғазалларини куйлаётгандек... Ушбу боғда озод ва обод мамлакат фукароларининг сайр этиб, хордик чиқаришлари — бу барчадин шариф айланган Инсон бахту саодати йўлидаги бекиёс меҳнатлар мевасидир.

«Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз».



АСРГА ТАТИГУЛИК САМАРАЛАР

Президентимизнинг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувига уч йил тўлди

Тараққиёт ҳақида гап кетганда, кўпинча иқтисодий ривожланишни ёки фан-техника жаҳасидаги илғор ислохотларни тушунамиз. Аммо йилдан-йилга маънавий тараққиёт долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Жамият онгини ўзгартириш, шахс камолоти асоси бўлган тафаккурни ўстириш, одамлар дунёқарашини чархлаш башариёт такдирининг ажралмас бўлагига айланмоқда.

Шу маънода, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бундан уч йил олдин, 2017 йил 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашуви, куюнчақлик ва хайрихоҳлик билан муҳокама қилинган масалалар, истиқболдаги режалар, ечимини кутаётган муаммолар маънавий тараққиёт йўлидаги тарихий воқеа бўлганига шубҳа йўқ. Ўшанда учра-

шув самимий ва очик мулоқот руҳида ўтган, адабиётимизнинг ривожланиш жараёни ҳолисона баҳоланиб, бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақида атрофлича фикрлашилган эди.

Муболагасиз айтиш мумкинки, маъруз тарихий учрашувдан кейин ўтган уч йилда юртимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, ҳатто ёш қаламкашлар ҳам етиб бўлмасдек туялган орзулари рўёбини кўрди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси учун Миллий боғ ҳудудида муазам Адиблар хиёбони бунёд этилди. Маъруз иморат комплексида «Ижод» жамоат фонди, шунингдек «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик» журналлари ҳам жойлашган ижодий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.



НУРЛИ МАНЗИЛАРГА

Ўзбекистон Қаҳрамони
Муса Эрнӣёзов хотирасига

Меҳрим тошиб бориб қорақалпоққа,
Устюрт кенгликлари узра кезгандим.
Дашту далаларин босиб кучоққа,
Ўзимни қанчалар бахтли сезгандим.

Оролга термулиб ўй сурдим узок,
Салом келтиргандим унга Каспийдан.
Бу халқнинг бунчалар кўнгиллари оқ,
Дангал ва самимий, холи расмийдан.

Қардошим, жондошим, эй оғам, иним,
Яхши-ёмонингда ёнингда жаммиз.
Байрам бўлаверсин юртда бетиним,
Қанийди одамзод яшаса гамсиз.

Ажойиб ўлка бу, таъриф бекиёс,
Жаннатмонанд диёр деса бўлади.
Хар икки болангинг бири Эрнӣёз,
Бирисининг исми Муса бўлади.

Суюкли элларни синагай Оллоҳ,
Севиқли бандасин йўллар сабрга.
Бирга эришгаймиз хушёр ва огоҳ,
Нурли манзилларга етгаймиз бирга.

Қалбимда туғёнлар ураётгир жўш,
Тошган сатрларин кўчирдим окса.
Худо умрларга кўпроқ умр қўш,
Сабр бер ўзбек ва қорақалпоққа.

Жўрабек ЖАҲОН

35 ДАҚИҚАГА ЖАМЛАНГАН ТАРИХ

Янгиланаётган Ўзбекистон... Бу шионч бугун ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгидан қуқур жой олган.

Бугун Ўзбекистон янгиланмоқда, бутун Ўзбекистон янгиланмоқда, буткул янгиланмоқда — ҳар соҳада, ҳар жабаҳада. Янгиланаркан — илгарини интилкоқда.

Янгиланган, интилган вужуд ҳаминиша тозаариб ўсади, куч-қувватга тўлиб боради.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган қўша корхоналар, кластерлар, тадбиркорлик субъектлари тобора кўпаймоқда. Табиийки, улардан халққа етаётган манфаат ҳам ортаётгир. Шаҳар ва қишлоқларда барпо этилаётган янги замонавий уйлар, турар-жой массивлари, одамларнинг узогини яқин қилаётган йўллар, кўприқлар аҳолининг ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш. Ҳаётдан рози бўлган одамларда келажакка ишонч пайдо бўлди. Ҳаётдан рози бўлса одам, демак, ҳамма нарсадан рози.

Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар, иқтидорли ёшларни қамолга етказиш мақсадида ташкил этилган Президент мактаблари, улғу шоир ва ёзувчиларнинг номлари билан аталган ижод мактаблари Ватанимизнинг буюк истиқбол учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор, десақ хато бўлмайди. Нега? Чунки «келажакнинг рули» илмли одамлар қўлига ўтганига анча бўлди.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бундай миқёсли жараёни янги даврининг, янги замоннинг намоёнидир. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бу буюк жараёни фидойи шоир ва ёзувчиларнинг янги ҳаёт ва кинизкарли китобларида, ижодкор зиёлиларнинг турли жанрлардаги ранг-баранг асарларида ўзининг бадиий инъикосини топмоқда.

Кўплаб оммавий ахборот воситалари орқали замон тарихига нақшланмоқда, тарих саҳифаларига муҳланмоқда. Аини ўринда бир нарсани қайд этмоқчимиз. Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати томонидан «Янгиланаётган Ўзбекистон» деб номланган туркум видеоларлар тайёрланиб, электрон ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик томонидан кизгин кутиб олинмоқда.

Шулар, изчил ўтказилаётган ислохотларнинг аниқ натижалари яққол акс этган.

Этиборли жиҳати, уларнинг аксарияти орқича эҳтирос ва сохта мактовлардан холи, қисқа, ихчам, бор-йўғи 35-45 сониядан иборат бўлса-да, фураятнинг шу кичик улушида

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКISTON

ғоят қатта тарихни, маъно-мазмунни қамраб олишга эришилган.

Ушбу роликларни томошабин енгил кўради, тез ва осон қабул қилади, зерикмайди. Ана шундай видеоларлар орасида Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига бағишланган ролик хусусида икки оғиз сўз айтишни лозим топдик. Лавҳада ёзма равишда кўринган мавзуга оид асосий рақамлар томошабинда ушбу меъморий ансамбль ҳақида аниқ тушуноча уйғотади.

Видеороликда фақат фактлар «гапирди». Адиблар хиёбони 2020 йил 20 майда очилгани, 8 гектардан кўпроқ майдонни эгаллаши, бу ерда

йиғирмадан ортик ҳайкал ўрнатилгани, ёзувчилар уюшмасининг биноси ҳам шу ерда жойлашгани ҳақида маълумот тақдим этилади. Атокли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари, хиёбоннинг гўзал манзаралари тез-тез кўрсатиб ўтилади. Бу эса ҳазрат Алишер Навоийнинг муҳташам ҳайкали атрофида Бобур, Оғахий, Бердак, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Т.Қайипбергенов, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, И.Юсупов, Э.Вохидов, А.Орипов, А.Файнберг, М.Юсуф сингари сеvimли шоир ва ёзувчиларнинг ҳайкалга қўнган сиймолари яхлит меъморий ва бадиий композицияда, мантаний ечим асосида жойлаштирилгани тўғрисида тўла тасаввур беради.

Лавҳаларнинг замонавий дизайни ҳам кўраётган кишига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Энг муҳими, янгиланаётган Ўзбекистон ҳаётида рўй бераётган янгиланишлар, ҳеч қандай эга адиблар яратаётган асарларнинг, пухта тайёрланиб, ахборот воситалари орқали жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилаётган маълумот ва инфоромацион материалларнинг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати томонидан суратта олинган видеоларнинг аҳамияти ҳам бекиёс, албатта.

Салим АШУРОВ

ҲАЙР-САҲОВАТ — УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Бу йил жаҳон аҳли учун катта синов йили бўлганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Дунё миқёсида режалаштирилган қанча-қанча ишлар, спорт, маданий-маърифий ва бошқа тадбирлар, учрашувлар номтаълим муддатга орқаса сурилди.

Булар-ку майли, «Ковид-19» деб ном олган бало инсоният ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб, минг-минглаб одамларнинг ёстиғини қуритаётгани аччиқ ҳақиқат. Очиги, дастлаб унча жиддий бош қотиришга арзимайдигандек бўлиб кўринган вирус эндиликда дунёни ларзага солмоқда, десам асло муболага бўлмайди.

Ушбу касаллик фақат соғлиқни сақлаш тизимини эмас, балки барча иқтисодий-иқтисодий тармоқларни элак-элак қилиб ташлади. Жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида коронавирус туфайли юз берган ҳолатларни кўриб хайратдан ёкамизни ушладик. Мамлакатимизга коронавирус балоси ҳали кириб келмасиданок бу офат зарарини қамайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, инсонлар саломатлиги масалалари муҳим ўринга кўтарилди. Жумладан, пойтахтдаги кўплаб тиббиёт муассасалари пандемия учун олдиндан тайёрлаб қўйилди ёки Тошкент вилояти ҳамда бошқа вилоятларда беморларни қабул қилиш учун мўлжаллагидан ҳам кўпроқ ўринлар барпо этилди.



АСРГА ТАТИГУЛИК САМАРАЛАР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шу йил май ойида уюшмага ёндош бог худудида кўрам Адиблар хиббони барпо этилди. Бу ердаги нафислик, майса, дарактлар, шийпончалар, анвоий гуллар, йўлақлар, тунги чироклар — хар бири ўз жойини топган, яхлит ансамбл бўлган. Гўзал богда элимиз суйган марҳум адиблар шарафига кўйилган ёдгорликлар, айниқса, диққатга сазовор. Йўлақлар четигади бежирим ўриндикларга ўтириб, атрофга змидан назар солсангиз, худди буюк шоиру ёзувчиларимиз тирилиб, бог айланиб юргандек тасаввур уйғотади.

Яқинда Ёзувчилар уюшмаси биносига туташ худудда ташкилот аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида кўп қаватли уйлар барпо этилиб, қалитлар ўз сохибларига топширилди. Эътиборлиси, ана шундай бахтга мушарраф бўлган ижодкорларнинг деярли эллик фоизи ёшлар!

Президентимизнинг тақлифига биноан Зомин туманининг сўлим ва хушманзара, илҳомбахш худудида, Ўрқилисой оромгоҳига яқин жойда ижодкор эиёлиларимиз учун замонавий ижод уйи — мухташам санаторий қад ростлади. Азим тоғлар бағрида гердайиб турган иншоот хайбатини кўрган кишининг оғзи очилди. Ана шундай дам олиш масканлари қурилиши Паркент туманининг баҳаво гўшасида давом этмоқда.

Биз бугун гувоҳи бўлиб, кўларимиз севинчдан порлаб турган воқеаларга айнан ўша тарихий учрашувда Юртбошимиз пойдевор кўйган эди. Улар шунчаки сўзда, қогозлардаги режаларда қолма кетмади. Барчаси бирма-бир амалга ошмоқда.

Адабиёт — кўнгил иши, деймиз. Аммо улкан адабиёт намояндалари номидаги ижод мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳеч қандай тажрибага эга эмасдик. “Адабиёт таълими” тушунчаси гўё биз учун бегона эди. Ҳозир эса жойларда Отаҳий, Абдулла Қодирий, Исоқхон Ибраг, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсуфов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод

мактаблари қад ростлаб, дадил ишламоқда. Бу адабиётимизнинг улғу намояндалари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги эзгу сарф-ҳарақат бўлибгина қолмай, балки ижод масканларида айни кунларда ўнлаб истеъдодли ўғил-қизлар сабоқ олишига ҳам сабаб бўлмоқда. Демак, энди адабиёт, ёзиш, ижод — шунчаки бир кўнгил иши ёки “хобби” эмас, профессионал соҳага айланди.

Бутунги глобаллашув даврида жаҳонда чуқур молиявий-иктисодий инқироз давом этаётган, зиддиятлар, турфа хавфу хатар тобора кучайиб бораётган таҳликали шароитда мамлакатимиз эртасини ўйлаш, жадал ислохотларни амалга оширишни замоннинг ўзи такозо этмоқда. Шу маънода, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган эди. Ушбу Стратегияда доирасида юртимизнинг бир неча жойларида “Беш ташаббус” лойиҳаси тажриба-намуна тарзида амалга оширилди. Унинг энг устувор жиҳати маънавий ҳаётимизни янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, аҳолимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ижодкорларни рағбатлантириш борасида ўзига хос дастуриламал бўлди. Ушбу ҳаракат доирасида Уюшманинг “Ижод” фонди маблағлари ҳисобига мамлакатимизнинг чекка худудларига минглаб сара ва бадий пухта асарлар жамланган китобларга тўла маҳсус “китоб қарвон”лари йўл олди. Кези келганда айтиш керакки, “Ижод” фонди томонидан “Биринчи китобим” сериясида 2010 йилдан буён юзлаб ёшларимизнинг “Биринчи китоблар”и миллиондан зиёд нусхасида чоп этилиб, республикамиз бўйлаб бепул тарқатилмоқда. Мазкур серияда китоблари чоп этилган ўнлаб ёшларимиз Уюшма аъзоллигига қабул қилинмоқда.

Бундан ташқари, айнан “Ижод” фонди ва Уюшманинг молиявий қувватини ошириш мақсадида мамлакатимиздаги йирик корхона, банк ва компаниялар ҳам ҳомий, ҳам ҳамкор сифатида бириктирилиб, “Дўстлар клуб”лари ташкил этилиши масаласи ҳам шу учрашувда илгари сурилган эди. Ушбу масала ҳам жадаллик билан амалга оширилди.

Президентимиз учрашувда ижодий ташкилотларнинг ниҳомлари билан танишиб чиқгани ва уларда давр руҳи, талаби, долзарбликлари аниқ белгилаб қўйилгани, бироқ улар ижодий ташкилотлар фаолиятида акс этмаётганини қаттиқ танқид қилган эди. Ўтган даврда Уюшма жойлардаги худудий бўлиmlари билан ягона хат-ҳужжат алмашиш тизимига уланди ва бу борадаги ишлар ҳам йўлга қўйилди. Асосийси, тадбирлар, ёш қаламқашлар билан учрашувлар сони ортди, сифати ошди. Бир пайтлари бўлганидек, ёзувчиларнинг арзу додини эшитмаслик учун эшикни ичкаридан қулфлаб олиш ёки кунлаб қайлардадир беркинби юришлари чек қўйилиб, аксинча — ижод ахли билан доимий мулоқот қилиш, ёзувчи-шоирлар олдига ҳисобот бериш талаби онгли равишда қондирилмоқда.

Ёзувчилар уюшмасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш, жамиятимиздаги мавқенини ошириш, ижодкорларимиз, айниқса, ёшлар қамолоти учун барча шароитларни яратиб бериш йўлида ҳамон давом этаётган чора-тадбирлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Кўз очиб юмгунча барпо этилаётган самовий бинолар, боғу роғлар хайратимизни оширади. Бироқ шунча эътибор, шунча имконияту шароитларга яраша биз — ёзувчилар, шоирлар нима қилаймиз, деган саволни ўзимизга бераёқ, ҳали олдинда ёзилиши керак бўлган ўнлаб, юзлаб долзарб мавзулардаги асарлар турганини аниқлашмиз. Кейинги пайтларда тобора дунё аҳолисини ўз қомига тортаётган интернет тизими жимжимларидан бир муддат қалғиб, яна китобларга, маърифатга, маънавиятга — ўзликка қайтишни таъминлаш учун кеча-қундуз ишлашимиз, ижод қилишимиз лозимлигини ҳис этамиз. Бу йўлда барча фидойи, матонатли ва жасоратли ижодкорларимизга, хусусан, ёш ижодкорларимизга қуч-қувват тилаймиз!

Зоҳиджон ОЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Президентимизнинг адабиёт хусусидаги ушбу сўзлари олис тарих хотираларига басма-бас акс-садо беради. Биз йигирманчи асрга мансуб — Чўлпонни яшириб ўқиган, ўз тарихидан атайинг узоклаштирилган авлодмиз. Тарихнинг қора кунларида қатағонга учраган буюкларнинг фожали қисмати қалб кўзларимизни очган. Улар шу муқаддас тупроқ, шу азиз Ватан учун, унинг саодатли кунларини кўриш учун курашган эдилар. Бугун эса уларнинг барҳаёт руҳи адабиётга, адабиёт ахлига кўрсатилаётган бундай эътибордан масрурдир.

ШУҚР ДЕЙМАН, БАРИГА ШУҚР

Адиблар хиббони адабиётта ошурфта халқ хиббони, илм-маърифат, маданият хиббонига, ўсиб келаётган ёшлар учун устоз ва шоғирдик мақоми йўлидаги эвриллишларга гувоҳ хиббонга айланиб бормоқда. Очиқ осмон остидаги хиббон мушоиралар сеҳри ила янада музайян бўлмоқда. Энди ўзбек адабиётини дунё халқларига таржималар орқали етказиш вақти келди. Ўзбек режиссёрлари яратган тарихий фильмлар орқали дунёни хайратга солиш вақти келди. Янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг барчамизга кўяётган ҳақли талаби бу.

Бугун мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар бир дақиқа бўлса-да, жаҳон афкор оммасининг диққатидан четда қолаётгани йўқ. Юртимизнинг кўрмоқ, тарихий обидалари, осори-атикаларини зиёрат қилиб, хайратга тушмоқ илинжида келаётган сайёҳлар оқими йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда бу боғга қадам қўйган хорижлик сайёҳ ҳам Фир-

давс боғлари нафасини туйиши табиий. Ўзбекистон Миллий боғи худудида барпо этилган ушбу Адиблар хиббонининг яхлит мейморий ансамбли — Ўзбекистон Қахрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаларининг барпо этилиши, улғу ўстозлар Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулум, Зулфияxonим хайкалининг Адиблар хиббонига қўчирилиши халқимизнинг қалбидаги айни муддаодир.

ШУҚР ДЕЙМАН, БАРИГА ШУҚР

Шуқр, дейман, барига шуқр. Бу тиник тонлар, осуда субҳидам, мусаффо осмон, гўдақларнинг беғубор қулғуларини кексаларимиз дилидаги қувонч ва дуолар учун шуқр. Бугун Улғу Сўзга яна эҳтиром ва меҳр кўрсатилмоқда. Бу мухташам қаср фидойилари эъзозланмоқда.

Бу боғда шеърпаस्त кўнглилар учиради, улғулар руҳи зиёрат қилинади, Хиббонда жойлашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси қуртча очиб келаётган истеъдодли ёшлар учун меҳри маскан бўлди. Хиббон ёнида ташкил этилган кутубхона сўз гулшани, сўз лафозининг намоен қилишининг амалий ифодасига айланди.

Бугун бу гулшан саҳнига келувчиларга ҳазрат Навоийнинг ўзлари шундай деб пешвоз чиқмоқдалар:

Ё бу наво зимнида асраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидан бир ғазал.

Шарифа САЛИМОВА

Ўн йил олдин...

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларнинг саккизинчи қавати. Ҳар куни уй айвонидан пастрга қараб, орзулардек олис манзилларга элгувчи йўлларга, гиз-гиз елаётган машиналарга, кундалик таъмишлар билан қуймаганиб юрган одамларга қарайман. Кўк бунча яқин, ер бунча олис. Қанийди... Шу пайт эшик кўнгириги чалиниб, хаёлимни момақай-моқдек тарқатиб юборади. Чўчиб очаман: хонадон эгаси. Қовоқлари осилиб, дўк билан гапирадиган бу кишини таниганимга кўп бўлмади. Оила қуриб, ширин орзулар бағридаги биз келин-кувёб янги ҳаётга ҳали мослашмай туриб, ижара уй ташвишига рўбарў келгандик. Эрталаб ташлаб кетилган пулни индамайгина уй эгасига тутказаман. У пуллари ҳафсаласизлик билан санаб кўради-да, кейинги ой ҳам кечикмай ижара пулини тахлаб қўйишимизни тайинлаб, пастрга ошиқади.

ОРЗУМАНД КУНЛАР ШУҚУҲИ

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ваъда қилинган муддатга ҳам етмай уй эгаси ҳеч бир вақсиз бизни эртагаёқ уйни тарк этишимизни, чунки уни сотиб юборганини айтади. Оқшом чўқаётган бу паллада институтнинг магистратура босқичида ўқиётган турмуш ўртоғим, кун бўйи дипломини олиб ташкилотта-ташкilot иш излаб чарчаган қанама бир-биримизга хайрон боқиб қоламиз. Кейин... Кейин бундай сарсонгар-чиликлар кўп бўлди. Бирин-кетин ижара уйларга нур бўлиб фарзандлар туғилди. Бир-биримизга суянач бўлиб, Тошкент вилоятининг чекка бир шаҳридан торғина уй олганимизда, уйнинг шароити яхши бўлмасад-да, шундай қувондиқки...



Сўнг ойлари йилларни қувалаб ўтаверди. Олисан пойтахтга қатнаб ишлаётган ташвишини хўб тортиқ. Ишдан сўнг мактаб, боғча ёшидаги фарзандларга қараш, юмушлар, тонг оқармасдан яна ишга отлашни... Ўша чоғларда пойтахтдаги ҳар бир чироғи ёниқ хонадонга, деразаси очиқ уйларга ҳавас билан боқганим чин. Юзлари тоқчадаги гуллардек чиройли хонадон бекаларига ошқора сукланганим рост. Сабаби, улар пойтахтнинг уй-жойи бор эрқа аёллари эди...

2017 йил 3 август

Шу куни давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат ва маданият ахли билан учрашув ташкил этди. Озми-қўпми қалам тебратиби, тўртга-бешта китоб чиқариб, адабиёт майдонига кириб келаётган шоира сифатида учрашувни катта қизиқиш билан қурашдим. Унда Президентимиз қўллаб долзарб масалаларни ўртага ташлади. Кино, театр каби санъат вакиллари олдидаги муаммолар қатори қалам ахлининг айни пайтдаги бурчи ва вазифасига, ҳозирги кун нафасини берадиган, халқнинг орзу-армонларини ўзида акс эттирадиган ёрқин асарлар ёзиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга, ижодкорлар учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш, уларга имтиёзли кредитлар эвазига арзон турар-жойлар қуриб топшириш лозимлигини, бу ижодкор

учун, унинг яратажак асарлари учун муҳим эканлигини айтиб ўтдилар. Қўнчилик қатори биз ҳам шу улғу даъватлардан, нури режалардан орзуманд бўлдик, руҳландик...

2020 йил август

Бугун Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида бир-бирига қўл бериб кўрам янги уйлар қад ростлаган. Қуриб битказилаётган бошқа уйлардан мен тилга олган бу уйларнинг фарқи, унинг Президентимиз ташаббуси билан ижодкорларга имтиёзли равишда арзон нархларда кредитлар эвазига тақдим этилаётганидир. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан бир юз ўн нафарига ҳам ана шундай хонадонлар тақдим этилди. Кенг ва ёроғ хоналар, қулай шароитлар ҳар бир ижодкорга маъқул келганлиги рост. Кўп қатори бизга ҳам мазкур уйлардан бири берилди.

Уч йил аввал мамлакат раҳбари адабиёт ахли учун қайгурганда биздек ёш ижодкорларини, уларнинг оилаларини ўйлаган бўли-

ши аниқ. Шундай қатта имконият ва ишонччи оқлаш масъулияти энди зиммамизда. Бутунги шуқрона кунларнинг шуқуҳини уй қалитларини қўлимизга олган фурсетда ижтимоий тармоққа ёзган ушбу фикрларим ярашқили ниҳоятча, не ажаб:

“Мана бу қалит, эшиги, ичкаридаги уй ҳам энди меники.

Уй! Бу ҳеч тортинмай остона хатлайдиган, тунлари ўз деразангдан оймोगа қараб болажонларингга эртақлар айтиб берадиган, тақвимга ишинг тушмаска қарамайдиған (ижара пули тўлаш вақтидан қунтулганинг), деворига ҳаддинг сиғиб битта миҳ қоқадиган, рўзгордаги қаму кўстлар учун турмуш ўртоғининг хижолатли нигоҳларини буткул унутадиган... Эҳе, айтсанг адоғи йўқ ўтган кунларни.

Пойтахт марказида кўзни қувнатиб, дилни яйратиб турган бу кўп қаватли уйларга ҳавас қилиб ўтадиганлар анчагина. Давлат раҳбари томонидан ижодкор ахлини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига имтиёзли кредитлар эвазига тақдим этилган бу уйлардан насиб этганидан хурсандимиз. Бу жараёнда қанча инсонларнинг масъулиятини, жонқуярлигини кўрдик, қузагдик. Бу борада, айниқса, ёш ижодкорларни қўллаган, уларга юксак умид ва ишонч билан қараган давлатимиз раҳбарига қатта раҳмат! Буни энди фақат оқлаш керак.

Шу кунларда янги уйга кўчиш тадорида юрган қалам ахлининг қайфиятидаги кўтаринқиликни кўриб руҳингиз равшан қўтаридик.

Хушхабар номи билан хушдир. Кеча болажонларимнинг шодлиқдан қувончдек қасрагани, йўллар яқин бўлгани бугун ўта шахсий қувонч эмаслигини чин дилдан ҳис этаман.

Етказганига шуқр!”

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ХАЙР-САХОВАТ – УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Хизмат ёки ўқиб юзасидан ҳориқда юрган миллатдошларимиз чартер рейсларда олиб келинмоқда. Ҳатто ўша пайтда айримларнинг “Касалнинг ўзи йўғу бунча кўп жойнинг нима кераги бор”, деган писанда гапларини ҳам эшитдик. Қўрилган пухта тайёрларик натижада короновируснинг дастлабки хурурлари даф этилгани, ўлим ҳолатлари анча кам бўлганидан ҳаммамиз севиндик. Ковиддан даволаниб чиққанларни тағна билан қузагиб қолдик. Аммо билдикки, бу бало осонликча таълим бўлмоқчи эмас. Одамларимизнинг одатий бепарволиги ва лоқайдлиги касалликнинг тез тарқалиши ва ўлимларнинг кўпайишига олиб келди.

Минг шуқрки, ўтган тўрт-беш ой давомида юртимизда ун, картошка, умуман, барча турдаги озик-овқат масалаларида бирон-бир муаммо туғилмади. Май ойидан бошлаб болзорларимиз янги сабзавот ва полиз маҳсулотларига тўлди. Ҳозирда ҳам юртимизда пишиқчилик, тўқинчилик маъусми кечмоқда. Аммо таёқнинг икки учи бўлгандек, устма-уст жорий этилган карантин касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш билан бирга, кўпчиликни асосий тирикчилик манбаидан махрум қилди. Шу боисдан давлат миқёсида ишдан, даромад манбаидан махрум бўлган, ёрдамга муҳтож одамларга қўмак берилди бошланди.

Албатта, ушбу синов кунлариди миллионларнинг улғу қадриятларидан бўлган хайр-саховат ва меҳр-муруват инсонларга мадад бўлмоқда. Ҳамма замонларда ҳам ёрдамга муҳтожлар, қаровчиси йўқлар ёки ногиронлар бўлганини назарда тут-

сақ. Ўшанда ҳам уларни, аввало, ўз яқинлари, қўни-қўшиллар, давлат ижтимоий ҳимояга олган.

Айтишларича, ҳазрат Алишер Навоий ота-боболаридан мерос қолган улкан бойлиқнинг ўндан бир қисмини ўзи учун, қолган тўққиз қисmini эса хайрия ишларига сарфлаган. Улуғ бобомизнинг ўз даромадлари ҳисобидан мамлакат худудида 370 дан ортиқ мадраса, шифоҳона, кутубхона, кўпирк ва ариқлар барпо этганига таҳсин айтмай бўладими? Бундан ташқари, Навоий бобомиз номидан ҳар йили қамбағал ва муҳтожларга минглаб қийим-кечак, сарпо ва пойабзаллар улашилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида шаҳар ва кишлоқларнинг гавжум гузарларида қатта-қатта дошқозонларга дағала қайнатилиб, оч етим-есир, қашшоқларга тарқатилгани тўғрисида тўқсонга қилган онанинг тақрор-тақрор айтганлари ёдмига муҳрланган. Ҳеч қачон хайр-саховатни унутмаган халқимиз, айниқса, бутунги кунда ҳам қам таъминланган, даромад манбаига эга бўлмаган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини кўриб, кўксимиз янада гурурга тўлмоқда.

Дунё иқтисодидиёти ва аҳоли даромадларига жиддий таъсир кўрсатаётган пандемия шароитида юртимизда фуқаролар бандлигини таъминлаш ва ёрдамга муҳтож оидаларга қўмак беришнинг ўзига хос тизими яратилди. Карантин даврида ишсиз, даромадсиз қолган оидаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати тузилиб, “темир дафтар”га қиритиш йўлга қўйилди.

“Темир дафтар”ни юргизишда эҳтиётиманд оидаларнинг 7 тонфаси — қам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оидалар, яқка-ёлғиз кексалар, доимий ишсиз ҳамда оғир эпидемиологик худудлардан қайтиб қолганларни қамбағалликдан қичқариш чоралари кўрилмоқда. Рўйхатда қайд этилган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзоси жорий йилда иш билан таъминланади.

Яқинда нишонланган Қурбон хайити арафасида ёрдамга муҳтож оидаларга хайр-саховат, муруват кўрсатиш мақсадида 30 июль куни Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда барча худудларда мутасадди ташкилотлар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оидаларнинг рўйхатлари киритилган ва аъзолари 1,7 миллиондан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилага республика бюджетидан бир марталиқ моддий ёрдам қўрсатиш белгиланиб, қўшимча 380 миллиард сўм ажратилди.

Ҳукумат фармойиши билан республика бўйича рўйхатга киритилган оидаларга тарқатиш учун 150 миллиард сўм, шундан 25 миллиард сўм пойтахтликлар учун ажратилган. Ушбу маблағ 30-31 июль кунлари рўйхат асосида тарқатилган. Айни пайтда шаҳарда 20 минг 841 та оила “Темир дафтар”га киритилган бўлиб, бу рўйхат эндиликда мунтазам янгиланиб турилади.

Шунингдек, Қурбон хайити муносабати билан Тошкент вилоятиди-ги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-

ларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам хайрли ишларга қўл урилди. Хусусан, Инқирозга қарши курашиш жамағармаси маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўм ва “Саховат ва қўмак” жамағармаси томонидан 611 миллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур ёрдам пуллари ҳисобидан вилоят бўйича “темир дафтар”га киритилган 12 минг 990 та оилага бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Улуғ айём кунлари вилоят бўйлаб ногирон, чин етими бор, қам таъминланган хонадонлар ҳолидан хабар олинди. 8244 та ўта муҳтож оилага “Саховат ва қўмак” жамағармаси ва тадбиркорлар томонидан дори-дармонлар ва бирламчи озик-овқатлар етказиб берилди.

Очиги, шу бароқатли ва улғу кунларда ушбу қайрили ҳаракат мамлакатнинг барча худудларида кенг қанот ёзди. Хох Қорақалпоққа боринг, хох Сурхонга боринг, модий қўмакка муҳтожларнинг юзида қувончини кўриш мумкин. Хусусан, Қашқадарё вилоятига давлат томонидан кўрсатилган ёрдам ва қўмакдан ташқари, саховатли тадбиркорлар томонидан қам таъминланган 750 та оилага чорва моллари, парранда ва қўён ажратилди.

Мухтасар айтиганда, хайр-саховат, меҳр-муруват инсонийликнинг олижаноб хислатидир. Асрлардан ўтиб келаётган бу қадрият айни кунда яна ҳаётимизда асқотди. Халқимиз сабр-матонатли, оғир-вазмин, мўмин-қобил. Бу хислатлар фитратимиз ва тийнатишимизга, қон-қонимизга сингиб кетгани, бу оғир синовларни ҳам учидан ва тоқат билан ўтказоди.

Олдинда эса яхши кунлар, яхшиликлар...

Абдумажид АЗИМОВ

ҚЎМАК ЭГАСИНИ ТОПСИН...

Маҳаллада илож-имконият турлича бўлган одамлар яшайди. Кимнинг қурби қўнға етади, кимнингдир қўли қисқароқ эканини биров билди, бошқаси билмайдми. Камбағал-мади, ёрдам кўрсатиб, деб қўқиса уриши, айюҳаннос солиши миллимиз табииатида зид.

Шарифа опа саккиз фарзандни оқ ювиб, оқ таёраган. Ўзи фаррош, хўжайини шифёрлик қилиб кун кўрувчи бу аёлнинг ҳаётинан нолигани, арзихол айтиш маҳаллага чиққанини ҳеч ким эсломайди. Орадан йиллар ўтса ҳамки, бу хонадон ҳалол ризқ билан оила тебратиб келмоқда. Борига шуқр, йўғига сабр қилиб яшаш уларнинг широгига айланган.

Бошқа хонадондан тўқинлиғу маъмурилик аримайди. Қўша-қўша ҳовли жойлар, жуфт-жуфт машиналар. Хонадон сохибаси Мухаббат опа бир кунни мактаниб қолди: “Келишим фарзандли бўлгани. Маҳаллага бола пули беринглар, деб қанжал қилиб чиқдим. Аваллига раис қўмади. Устинлардан шикоят қиламан, дейишим билан ҳамма ишим сип-силлик битди”.

— Опа, хўжайинингиз, ўғилларингиз яхшигина топиб-тутса, маҳалланинг “ёрдам пули”га қараб қолмагандирсизлар... — аста юзландим “шиқоятчи” маҳалладошимга.

— Э-э, кизикмисиз, рўзгорга қанча бўлсаям кетаверади, — жавоб берди Мухаббат опа. — Давлат шу пул билан қашшоқлашиб қолармиди?! Қай кимлар олиб юрилди ёрдам пулини...

Идорага шаллақилиқ қилиб чиқадиган, устига устак “ёзувчилик” иктидори бор шундай опохонлар келганида, маҳалла раисининг ахлоли кўз ўнгима аниқ гавдаланади. Раис шўрлик ҳам харна қулоғи тинч бўлиши, аризаю шиқоятбозликдан нари бўлиши астойдил истганидан ўзига тўқ хонадонни ҳам эҳтиётимандлар рўйхатига қўшиб юбораверган. Кетса менинг ҳамёнимдан кетармиди, қабилида иш кўрувчи раиста қулоғининг тинчилиги муҳим.

Коронавирус пандемияси бошланган оғир кунларда эҳтиётиманд оидалар учун ажратилган зарур озик-овқат, дори-дармонлар тўпламига муҳтожлар билан бирга баъзан “илиғи тўқ”, бироқ қўзи оч хонадонлар ҳам шерик бўлгани бор гап.

Биз қимларнидир ёпғасига муттахамликда, маҳалла раисларини эса қўли нопокликда айблашдан жуда-

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЮРАГИМ ЭРТА-КЕЧ ШЕЪР БИЛАН МАШИФА

Халқимизнинг сеvimли шоири Усмон Азим ижодининг моҳиятини Ватанни англаш, ўзликка қайтиши, вафо, фидойилик туйғулари ташкил этади. Шоир 1979 йилда чоп этилган «Инсонни тушуниш» илк шеърий китоби билан адабий жамоатчилик эътиборини қозонди. Унинг «Ҳолат», «Оқибат», «Кўзгу», «Ғусса», «Юрак» каби шеърий, «Жоду» насрий тўплами, «Адибнинг умри», «Жимлик» драматик асарлари ва китоблари ёрқин туйғуларга, ифодаларга бойлиги, жўшқин ва жозибadorлиги, гоҳ шодон, гоҳ маҳзун оҳанглари билан китобхон қалбидан чуқур жой эгаллади.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим собиқ шўролар даврида – ушбу мукофотга даъвогар ва талабгорлар бисёр бўлган пайтда ҳам Грузиянинг Маяковский номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган эди. У «Алтомишининг қайтиши» асари учун «Энг яхши драматург» деб эътироф этилган.

Ватан ҳақида шеър

Опа, эсингизда-ку,
("О, хануз оғрийди дил")
Очликдан қорни шишган
Қирқ бешинчи машъум йил.
Етти ёшда эдингиз
Сизга эмасди пинҳон:
Уруш — ўлим, шодлик — хат,
Тириклик-ку, аниқ — нон.
Опа, эсингизда-ку,
Келганда жавзо ойн,
Саргайиб думбул тортди
Болғалининг бугдойи.
Ювошгина қуш каби
Ҳаётнинг исин сезиб,
Дала кезар эдингиз,
Кафтингизда дон эзиб,
Сиз аниқ билардингиз,
Тирикликнинг исми — нон,
...Босиб кетди далани
От дупури ногаҳон.
Кафтингизга жонсарак
Яширдигиз бошқани.
Э воҳ, ер шунча қаттиқ,
Осмон шунча узокми?!
Қанотингиз бўлса ҳам.
Қайга учардингиз, хўш?
От келар, чавандознинг
Бир енги хилларар — бўш...
Танидингиз бу — раис,
Ундан титрайди қишлоқ.
«Раис» деса жим қотар.
«Йиғлаётган» кўгирчоқ,
...Эслайсиз, магазинда
Бўлган эди «ур-йикит».
«Йўқ, яна қуясан», деб
Ҳайқирди бирқўл йиғит.
У йиғлади гўдакдай...
«Шаҳид қолган дўстларнинг
Қасосини албатта,
Оламан», деб бўзлади.
Боқилган қўйдаи семиз,
Магазинчи Шойимнинг
Ёқасига ёпишди:
«Толдим, дея хонини!»
Эртаси хотин-халаж
Йиғилди — умуммажлис.
Йиғит ўриндан турди:
— Сайланглар, бўлай раис...
Сайлашса сайлашар-да,
Одам каму раис мўл!
Майли, яраб қолади... —
Хотинлар кўтарди қўл.
Кейин раис ҳайқирди:
«Агар келгунча зафар,
Ким ўзини аяса,
Мана қамчи!.. Хотинлар!»
Ноннинг лаззатини-ку,
Тўлаб бўлмас қамчисиз...
Бошингизни қўл билан
Бекитиб чўқдингиз тиз...
— Бу юрганинг нимаси,
Оёқланг, бошланг.
(Дон тўла кафтингизни
Сикдингиз қўрқиб маҳкам)
— Қани, қўлингизда нима?
(Кўркув, даҳшат аралаш
Кафтингизни очдингиз —
Энди мумкин савалаш).
Кўзингиз ёшсиз эди,
Жиддий — тайёр хўрликка.
Ким ҳам раҳм қиларди
Сағир қолган шўрликка.
Ҳамма бутун таёқлар
Етим бошда синади...
Раис отидан тушиб
Бошингизни силади.
Ишонмасдан боқдингиз
Кўзларига умидвор.
Хайрат ичра қотдингиз...
У йиғларди шашқатор.
Йиғлар эди... Қизимни
Эмасин деб чўнг қайғу
Тунда сасиз эзилган
Онангизга ўхшаб у.
Сиз ҳам зор йиғлаб бирдан
Осиддингиз бўйинга...
От ўйнатиб у кетди
Бугдойзорнинг қўйнидан.
Жавзо. Бир эрка шамол
Бугдойзорга урар тўш.

От елар. Чавандознинг
Бир енги хилларар — бўш.
Опа, ўшандан буён
Ватан ҳақида сўхбат
Кўзгалса кириб келар
Кўзингизга бир сурат:
Жавзо. Бир эрка шамол
Бугдойзорга урар тўш.
От елар. Чавандознинг
Бир енги хилларар — бўш...
Опа, Ватан — улуг дард!
Опа, Ватан боғ бўлсин!
Шеърда суратин чизсам,
Тўрт мучаси соғ бўлсин!

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафак.
Жоним, қалбим шеърийнинг пичоғида...
Замин — тилсим, осмон — тилсим...
шеър — бешафқат!

Мен қийналдим. Ҳаёлимнинг қанотида
Денгизларни кўтарганча толиб учдим.
Юлдузларни кўп кўрганман ҳаётимда,
Денгиздаги юлдузларни келди қучгим.

Кўкка боқдим, ўт туташди жоним аро...
Қат-қат булут қатларида не сир-асор!
Хайрат ичра ўлдиргуси мени само,
Она замин, уча қолай, қўйиб юбор!

Мен ёр дедим... Лайлими ё, Ширинми ё!
Ёки энди туғилажак бирор малак?
Мана, мен, деб кўз олдими бўлди пайдо,
Мана, мен, деб шеърдан боқди якто юрак.

Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафак,
Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Шеър ёзилар... Қийнок, сенга бўлсин шараф,
Жоним, қалбим шеърийнинг пичоғида...

Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором кучоғини —
Бу дунёни сирга қўйиб яшаш керак
Қалбга санчиб шеърийнинг пичоғини!

Ярим тун. Чироклар
ўчади бир-бир —
Уйку ва бедорлик муросалари.
Хушёр чирокчи ким?
Сенмисан, тақдир,
Ё чарчоқ одамлар хулосалари?

Жумлан жаҳонни
унутиб бу дам
Чўқиб ўлтираман тубсиз ботинга —
Ёдимга тушади кетган дўстларим,
Шавку шаъни давралар тушар ёдимга.

Ним шуълам милтирар туннинг қаъридан,
Ёруғим — безабон, ёруғим жимдир.
Ёлғиз ёниб қолган чирок қабиман —
Кимдир ўчиришни унутган, кимдир...
26.03.2020

Сен — турфа. Ўзгадир хар он қиёфанг.
Вужудинг — ўзгадир, рафторинг ўзга.
Фаслларинг мўлдири — бундай қарасам,
Хар он ўзгалиқда тушасан кўзга.

Совуғингиз қоринг, ёмғиринг жалаңг —
Минг турфа феълнинг минг бир чалқашдим...
Эй, сен! Қаердасан? Яна ҳолим танг!
Бу тонг туманингда чексиз адашдим.

Кўриб турибман-ку сени, сеҳргар! —
Борлигинг боғ ичра шундоқ намоён.
Тўзгин ҳарирликка қўл чўзсам магар
Сен йўқсан. Гар тўлган сен билан жаҳон.

Саросар чопаман. Қайдасан, ахир?
Бору йўғим билан туманга ботдим.
Овоз бер! Чорлагин! Қичқиргин! Бақир! —
Йўлимни йўқотдим. Сени йўқотдим.

Қандай жафо етди — қисматга — тенгсиз!
Бу ҳолинг висолнинг мантиғи эмас —
Тўрт тараф сенсану тўрт тараф сенсиз,
Барча йўл сен томон, сенга ҳеч етмас.

Туманда минг туман хайрондир ҳолим!
Қай қисмат бу тонгда менга етмоқда?
Сеҳргарим маним! Тўзгин иқболим!
Сендану сенсиз умрим ўтмоқда.
29.03.2020



Шоир Усмон Азим оиласи даврасида

Бахт ҳақида ба.л.а.га

Мен бахтни кўрганман. Кўрганман. Аниқ.
Ўрдада ногаҳон келган рўбарў.
Қиш қуни. Пальтога олган ўраниб,
Бесас бир хайратда қотганман: — Вой-бў!..

Йўлқалар четида баланд чинорлар,
Қатор тизилишган. Бехаракат. Жим.
Донг қотган бекатлар, қорлар, шиорлар...
Аммо бахт эканин билмаган — ҳеч ким.

Бахт жуда чиройли эди! Чиройли!
Чиройли! — совуқда юзин яшнаши.
Хатто қор пойида гирчиллар эди,
Танини эса ҳам ўтқир пошнаси.

Юзи теграсида рўмоли — туман.
Бир учи кифтига ташланган эди.
Лолликдан бошқа ҳол бўлган эди манъ —
Уни кўриб бу иш бошланган эди.
Мен бахтни кўрганман. Кўрганман. Аниқ.
Хатто кўзларимиз учрашган бир зум.
Ўртада бўлган йўқ салому алиқ,
Фақат лабларига қўнган табассум.

Шу тарз ўтиб кетган ёнимдан. Ташхис:
Жоним чикмасликка у дам яраган.
Ўғрилиб қарасам, ортимга илкис,
Ишонинг-ишонманг, бахт ҳам қараган!

Шундан буён менга бу дунё бир пул!
Номард ғалвалари беролмас озор.
Юрагим эрта-кеч шеър билан машғул —
Бахтни учратганман! Нима ғамим бор!

Ёниб кириб келсам (юримим — сарбаст!) —
Фасод давраларга — гийбат тинади,
Ахир, менга ҳеч ким келолмайди бас —
Бахтга дуч келганим барча билади.

Мардлим билмешар (дўсту ёв оғох!):
Нечун "юр" деб бахтни қистамаганман,
Бахтни этмаганман не учун ҳамроҳ?...
Бебахт бўлишни истамаганман.
18.04.2020

Қуи тартиби

Баъзан тартиб қуриб
бўламан мамнун.
Режаю тақиқда
ўлчанар тун-қун.
Тартиб нечун керак?
Аниқ биламан:
Бузиб, жону дилни
айратмоқ учун.

Булбул сайради —
очилди гул.

Булбул сайради —
кўкарди дарахт.

Булбул сайради —
барпо бўлди боғ.

Булбул сайради —
яралди қўнғил.

...Шеърлар эса ёзилверди.
Шеърлар эса ёзилверди.

Булбул ўқиб, сайрасин, деб
Шеърлар ёзилверди.
9.05.2020

Юрагимни қандай
Яратдинг, Эгам?

Ўзга дард сиғмайди
Соғинчдан бошқа.
Фақат шеър ёзсаму,
Сени ўйласам...

Айланиб боряпман
Бир томчи ёшга.

14.06.2020

Хотира

Ўроқ ўрдим адирда —
Елкамга ботди офтоб.
Елкамда қотди офтоб —
Териларим шилинди.
Ўроқ ўрдим бир ўзим,
Жонимга бергин тўзим —
Сағирлигим билинди.

Бир тутам бугдой ўрсам,
Бир тутам тикани бор:
Тош қотган кафтларимда
Зирапчалар бесанок.
Мен хали ўспириман...
Бу хотира дилимдан
Неча йилки кўз ёшдай
Тўкилади бесўроқ.

Кексалиқда хотира
Дилни ўртар бехазил,
Ўтган қушларга нечун
Бейлож толпинаман?
У қушларни эсласам,
Ҳозир ҳам захмати зил,
Ҳозир ҳам захмати зил...
Аммо ўша йилларни
Негадир соғинаман.
15.06.2020

Боғингдан келгандир
Бу шамол — аён,

Мавжида бахт тўла,
Бўйлари — атир...

Нега бахтга бунча
Ғарқдир сен томон?

Дилимга ногаҳон
Тушди хавотир.
16.06.2020

Қуиқ дил абва.л.ги Танги.л.ури даштими э.с.аб

Нохос сергакликда
Хушёр тортди жон.

Нечун айланмоқда
Осмонда қузғун?

Ажиб тиниклашув
Даштда ҳукмрон,

Беҳуш видео каби
"Қилт" этмас гардун.

Имқонни бейлож
Ютгандай ҳаёт —

Кўмак беролмасму
Ҳеч кимга ҳеч ким?

Қайдадир бош эгиб
Турибди нажот.

Даштга оралади
Ногаҳон ўлим.

Пичоққа етмасдан
Ўлди бир жонвор,

Қашқирлар ё қари
Оғни ўрашди.

Одамлардан қўнғил
Сўраганим бор —

Билмаяпман даштдан
Қўнғил сўрашни.
18.06.2020

Шамолда шаъни чайқалган
Боғда бир шох нотавон —
Шунча шохдан бир нава
Тарзида дунё ғами.

Бемормисан, эй, нава,
Ҳолинг нечун паришон? —

Сенга қўниб маст сайрар
Бир қуш бор эди... Қани?
19.06.2020

Гуллар очилганда,
Келар эдинг... Ҳа,

Сену гуллар билан
Тўларди гулшан.

Кузакда келганинг?..
Йўқдир ёдимда.

Ё баҳор эдими
У пайт қушлар ҳам?
21.06.2020

Чорбоғда кезаман —
Сайру томоша.

Тобора гўзалдир
Хар баргу буток.

Холбуки, ранг-бўйи
Ўшадир, ўша —

Кексайганим сайин
Азидир бирок.
22.06.2020

Шога

Собир ака хотирасига

Юрагимда ўлтирибман
Афтода бир қуш монанд.
Дўстим бор эди менинг —
Барча тоғлардан баланд.

Пастликлар талошида
Адо бўлганда жоним,
Мени тоққа бошларди
Ул азиз кадрдоним.

Абас эди барча ғам,
Барча ташвишлар бекор.
Фақат сўзга рух ҳамдам,
Фақат янграрди алёр.

Гурунқ қандай оқарди —
Хар мавжига қўнғил зеб!
(Дўстим тоғни қурганди —
Усмон бир юксалсин деб!)

Шундай дўст кетди бу қун,
Мени ташлаб рўёга.
Бир ўзимман. Бир ўзим.
Тоғ қолмади дунёда...
14.05.2020

Юракка

Жон чикканча тўлгонавер,
Қўнғил зорича тўлғониш.
Уйгонавер, уйгонавер —
Умр борича уйғониш.

Толдим, деган туйғу қўндир,
Роҳатларга чўлғониш қўп.
Қават-қават уйку қўндир,
Қават-қават уйғониш қўп.

Беморликдан ҳам уйғонгин,
Бекорликдан ҳам уйғонгин.
Бедорман, деб ғофил бўлма,
Бедорликдан ҳам уйғонгин.

Хар уйғониш янги орзу —
Ҳаётдан ўзмак, демакдир.
Хар уйғониш янги ёху —
Қурганин бузмак, демакдир.

Хар уйғониш — улуг тилак,
Хар уйғониш жасоратдир.
Уйғонишдан, қўрқма, юрак,
Инсон умри матонатдир.

Тошиб тургин, сачраниб тур —
Мудроқ ичра сўниб кетма,
Хар он уйғон! Хар дам уйғон!
Тирик туриб ўлиб кетма.
06.07.2020

Баҳорчи боғ

О!.. Оламдан тўқилди гуноҳ!
Оралаган боғларга санми —
Гуллайсанми шунақа, Оллоҳ,
Оллоҳ, шундай кўқарасанми.

Ёмғирларинг бир дунё хитоб!
Олам қайта яралди — янги!
Менинг қайси «ох»имга жавоб —
Йиғлайсанми шунақа, Тангрим?

Сен — саҳийсан, меҳрдир боринг...
Гуллашингу йиғлашинг — ошкор...
Мен — бир тўзгин майсангман, Тангрим,
Мен — бир қатра ёшингман, Жаббор.

КУТЛАМИЗ

Шуйтиб, ай жоронлар, Алломиш бобо, эркатой неварамди кўрайин, аҳволини билайин, мушукули бўлса женгил қилайин, деб Амирқонинг Техас кентига, уларнинг тилиминан айтқанда, “мегаполиси”га бориб қолибди.

Бойсунда Барчин момо сочини тараб, “сўтка”га қараб, тинимсиз хабарини сўраб, “Хай, бобо, неча ойдир дарагингиз жўқ, я ўша журтларда бизлардан совиб, қоравой кампирди товиб, шўртикти кийиб, Ҳақимбек отингизди Ҳақим Жек қўйиб журипсизми? Бу жерда суюкли жозар болангиз Эркин Аъзам жетмишга жондаш кеб турганини ўйламадингизми?” деб ачиқ-аччиқ гапларди айттипти.

Алломиш бобо суюкли неварасининг отини эшитиб, юраккинаси эшилиб, согинчдан кўкси баттар тешилиб, “Бўмаса мен бир ши қилайин, онлайнни улайин, Эркин боламди қўтлайин” деб, дўмбирасини қўлига олиб, олис-олис ўйларга толиб, бир сўз айтиб турган жери экан:

Хай ярай, хай ярай, хай ярай! Бутун байрам яна Бойсун элида-я, Хай, Эркин Аъзам бутун юртим тилида-я! Бобогинанг айлансин-а, болам-а,

Сени бутун қўтламанам бўламан! Жозганларинг хикоядир, қиссадир, “Тимтимак”дир, мақоладир, песадири, “Отойи” деб жозганларинг айттайман,

АМЕРИКАДАН ОНЛАЙН ТАБРИК



“Анойи” деб жозганларинг айттайман? Хай, роман битип, “Шовкин” деб-а от қўйдинг, Кино олип, “Дилхирок”, “Паризод” қўйдинг. Хай, “Сув жоғалаб” кетди дуня жоғалаб-а, Хай, “Нияда”ни бўладима баҳолаб-а! Хай, чет элларда олдинг қанча совирлар, Пайгаларда мен жутқандай бурунлар, “Чапаклар ва чалпақлар”ни боладдинг,

Лек кучингни кўп тахрирга сарпладинг. Хар бир сўзни жону дилдан севдинг-а, “Сўзсиз менга дуня недир?” девдинг-а! Хай, жозганларинг узокларга кетди-я, Машхур бўлиб Амирқожа жетти-я! Жопон журтта ошна бўлди Дайсаку³, Ҳамид⁴ дўсти яқининг – ким, деса, у? Депутатлар бўлган эдинг Сурхондан, “Тафаккур”нинг азиз сенга тувгандан. Эл-журтим деб жашаятқан болама-а, Пидойи эр бўлса шундай бўлама! Тан олди-ку китобингди ЖУНЕСКО⁵, Унвинингди айтгай келганда эска: Халқ жозари бўлдинг озод Ватанда, Бутун Бойсун “Ҳалол!” деди ўшанда. Хай, ўзимдайин ор-номусли болам-а, Шу гапларди мен айтмасам бўлама! Нима деса, деяберсин жоманлар, Жозабегини жонги-жонги романлар. Менинг жўгим билнимасин, жоронлар, Усмонминан⁶ Эркинмига қаранлар! Жозаримиз бўлса шундай журамиз, Бир халқ бўлиб бу майдонда турамин. Тан беради бизга араб, ажам ҳам, Хурсанд бўлар шунда Эркин Аъзам ҳам.

Хай, даврон суриб бу дуняда сов бўлсин, Хай, пайгаларда мингани бедов бўлсин. Хай, қутлов айтиб тугатайин сўзимди-яй, Хай, Алломиш деб билинлар-ай ўзимди-яй! Хай, бошимиздан кетсин вирус балоси, Хай, омон бўлсин барча ўзбек боласи! Хай, Амирқожа, дунямизам тинч бўлсин, Хай, меҳр доим ўртамизда синч бўлсин! Хай, Бойчиборим бўлса, ўзим учардим, Хай, ўз жеримди жилай-жилай кучардим. Хай, Барчин момо, деганингиз ўринсиз, Дунядаги жакка-жолғиз кампирим – Сиз. Хай, яна бир бор Эркин болам сов бўлсин, Хай, эйилмасин боши, Аскартов бўлсин!

Жозиб олган: Муртазо ҚАРШИБОВ.

¹Аетолар демоқчи. ²Поездлар демоқчи. ³Дайсаку Икеда – атоқли япон адаби ва жамоат ар-боби. ⁴Ҳамид Исмом – таълиқ адиб, шоир, журналист ва тар-жимон. ⁵ЮНЕСКО демоқчи. ⁶Ўзбекистон халқ шоири Усмон Аъзам назарда тутил-моқда.

Жадиб даври адабиёти ўзбек адабиёти тарихининг энг муҳим ва ўзига хос босқичла-ридан ҳисобланади. Мазкур давр намоёндалари орасида Тавалло (Тўлаган Ҳўжамёрв) нинг ўрни алоҳида. Ойбекнинг “Болалик хотираларим” қиссасида ўқиймиз: “Айвонда мук тушиб Таваллонинг шеърларини ўқига киришаман... Кўзгина шеърларида ҳаёт лавҳа-лари, манзаралари яхши тасвир этилган. Менга жузда қаттиқ таъсир этади... Ўқидим, диққат билан берилиб ўқидим...”. Тавалло ижоди билан танишган ўқувчи бу эътироф-нинг ҳақиқатига ишонди.

Тавалло том маънода эрк учун интиланган, миллатдошларини бу ёруғ йўлга даъват этган, алаокибат зўравонлик қурбони бўлган эди. Унга “аксилниклобчи”, “Турон”, “Шўройи ислом”, “Иттиҳоди тараккий”, “Миллий ит-тиҳод”, “Миллий истиклол” ташкилотлари-нинг аъзоси, “миллионернинг ўғли”, шеърла-рида миллатчилик ғояларини илгари сурган” каби “айб”ларни қўйишди.

Хўш, аслида Тавалло ким эди? У ҳақда фикр юритилган санокли асарларда ҳажвчи эканли-гига ургу берилди. Шу билан бирга у ҳассос шоир ва моҳир публицист ҳам эди. Шеър илими мезонларига кўра ёндашганда, унинг шоирли-ги қисмат эканига шубҳа қолмайди. Фикримиз-ни далиллаш учун “Оху ҳасрат” шеърига эъти-бор қаратамиз. Унда юрта, миллатга муҳаббат туйғулари дард билан ифодаланган:

Эй Худо, бер бизнингдек бедаволарга даво, Қилди миллат кўкрагини таъна тирноқи яро.

Шу икки сатрдаёқ шоир бадий тасвир вос-таларидан унумли фойдалана олган. Шоир Ярат-ганга илтижо қилар экан, унинг раҳматига сазо-вор бўлишга умид боғлайди. Миллат ҳеч бир зулмат кўчасини четлаб ўтмади, бироқ Яратганга исён этмади, ундан бегона бўлмади. “Сендан юз ўтирмадиқ” деган ифода шундан далолат.

“Бахтсиз миллат” мухаммасида куйидаги сатрларни ўқиймиз:

Қилиб жой қарга-қузгун бургуту лочини ўёсига, Кўринг, ийўлотмаюр ўз мулкисини, бас ўз эгосига.

Солур зулмат, ёронлар, партави олам зиёсига, Қилингизлар дуоким, етмасунлар муддаосига, Худоё, саклагил бечоран миллатини тухмадтан...

Шоир ўз замонидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни образли тарзда ифодалади, мажоз ҳақиқатга либос бўлиб, мазмуннинг сирлиги ва салмоқдорлигини таъминлайди. 1918 йилда яратилган мазкур асарда қилар назарда ту-тилмоқда? Туркистон бошидаги, ҳақиқий бур-гуту лочиндек мард ва жасур эрлар ўлкасидаги “қарга-қузгун”лар қилар? Улар қандай “жасо-рат” билан бургут уясига кириб боришди?

Ўқувчи сўзлар замиридаги сирни ўзи “анг-лайди”. Бургутни мудрок босган тақдирдагина, ҳушёрликни қўлдан бой бергандагина ўлак-сахўр кузгунлар унга таҳдид сола бошлайди. У ўз хатосини англаб етганда, аллақачон бир гала кузгунлар қуршовида қолган бўлади. Атрофда-ги қондошлари унга қўмақ қўлини чўзишмаса, ҳеч бир ҳаракатдан наф йўқ. Бу рамзийлик Тур-кистоннинг ўша пайтдаги ҳаққоний аҳволини ифодалайди.

Таваллонинг миллат ҳақида ёниб битган-ларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Қўлидаги қалами гоҳида жамиятдаги иллатларга қарши қўтарилган камчиға айланади. Баъзан хитоб, гоҳида нидо халқини жаҳолатдан қочишга, илм олишга қорайди. “Оҳ миллат, топ тараккий деб тўқуб қўзлардан хун” дея фиғон чекиб, юрт дардида ёниб: “Эй қариндош, ухламан-гиз, биз кутармиз сиздин иш”, дея бонг уради. Юртдошларига бидъат ва хурофотдан илму маърифатни фарқлай билишга ундайди.

Унинг ижодкор сифатида шаклланишида Тошкент адабий муҳитининг йирик намоёнла-си Юсуф Сарёмийнинг хизматлари бекиёс. Та-халлусини ҳам унга Юсуф Сарёмий берган эди.

Шоир бу ҳақда шундай ёзади: Эдим бу соҳибни девона шогирд Этардим хизматини аз дилу жон. “Тавалло” деб тахаллус лутф бирлон Жаноби истади манга қўйилган.

Устоз шогирдининг доимо ҳақ йўлда Ҳаққа хизмат этишини ният қилиб, дўст бўлишга ин-тилиш, илтижо маъноларини ифодаловчи “та-валло” тахаллусини берди. Бундан кўринадики, у доимо Худого илтижода. Илтижодан мақсад не? Балки Яратганнинг висоли ёки дини ислом раванки ёхуд Туркистоннинг бошидан гам бу-лутлари аришидир?!



«РИВОЖИ МИЛЛАТ ИСТАР ЭРСАНГ...» Таваллонинг ҳаёт ва ижод йўлига бир назар

“Равнак ул-ислом”нинг дебочасидан жавоб топгандек бўламиз:

Эй Худовандо, насиб айла жамолнинг хашрда, Бандан бечорадурман қилмағил бахти қаро.

Балки биз шарҳламоқчи бўлган маъно айни шу сатрларда мужассамдир. Зеро, ҳақиқий ошкнинг бахти, комилликнинг асрони Унинг жамолига етишиш билан белгиланади. Ижод-корнинг муҳити, яшаган давридаги ақидаларга назар ташласак, ҳақиқий “бахти қаро”лик илм-сизлик, миллий ўзликни, хурликни йўқотиш, тараккиётдан ортда қолиш эканлигига тавоқ бўламиз. Хар икки маънода ҳам ижодкор ўзига берилган тахаллуснинг маънавий юкни кўта-ра олган, назаримизда.

Ижтимоий ҳаёт воқеалари тасвирланган ҳажвий шеърларини яратишда Тавалло ўша давр ҳодисаларидан илҳом олган, таъсирлан-ган. Ўша давр Туркистони учун янгилик бўлган ҳодисалар ҳақида ёзarkan, “Ниҳийни ярмарка-сида янги ашулалар” ҳажвиесида Ниҳийни Нов-горд ярмаркасидаги ўзбек савдогарларининг ачинарли аҳволи қулги тинига олинади. Сав-до-сотик мақсадида борганларнинг бўлварлар-да қолиб кетгани ва уларга қилинган қўпол муо-малалар ҳажвий усулда ёритиб берилди:

Фатгойини судрашиб, бўлвариди мудрашиб, Сочу соқолин қошиб, сарсона тонг отқунча.

Тавалло хотин-қизлар аҳволи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига бағишланган шеърларида турли-туман қабохатларни юксак инсоний иде-аллар нуктаи назаридан фойда этади. Масалан, “Мазлума қизлар ашуласи” мухаммасида хо-тин-қизларнинг фожаси аҳволи тасвирланади. Шоирнинг маҳорати шундаки, мазкур тасвир-ни у хотин-қизлар тилидан моҳирлик билан бера олган:

Қиз олгон қўшхотини устига чолларга ажал келсун, Оқаргон сочлари, пахмоқ соқолларга ажал келсун, Оқизгон ёшимиз, хардамхаёлларга ажал келсун,

Топилиб умри, дарз ўлгон саполларга ажал келсун, Семирган чўчкадек, ул қора молларга ажал келсун.

Шоирнинг ҳажвий шеърлари мухаммас, му-раббаъ, мусаддас, газал, маснавий жанрларида ёзилган. Гарчи эски шеър тизимида битилган эса-да, улардаги руҳ ва мазмун янгидир. Яна бир жиҳати – бадий жиҳатдан пишк. Жумладан, “Майлигаму?” газали Алмайи шеърига назира бўлиб, шоир хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларининг тўла тикланмагани ва ҳамма гаплар қогозда қо-либ кетганини кўрсатиб берган. Шоир муайян иллат ва уни юзга келтирган шарт-шароитни қоралабгина қолмай, балки кескин фойда этади ҳамда унинг барҳам топиши зарурлигини уқти-ради. Масалан, “Ҳозирги пивохона ашуласи”да ичкиликбозлик, фоҳишабозлик иллатларини қоралайди.

Шоир ҳажвий шеърларидаги кинояга бой нутқ тасвирланаётган нараса-ҳодисанинг, моҳи-ятини очинишга ёрдам берган. Киновий шеър-ларида биз Таваллонинг Октябрьни малх эти-шидан мақсад нима эканлигини билиб оламиз. Киноя ўқувчи кўз ўнгига Таваллонинг шўролар ҳокимияти ва унинг сиёсатига салбий муноса-батда эканлигини, уларни қулги йўли билан фойда этишга интиланганини аниқ-равшан ан-глатади. У ҳажвий шеърларида форсий изофа (парчаки қогоз), арабий сўзлар (хубул машқ), русча сўз ва иборалар (женотдел), французча сўзлардан (мадмазел) кенг фойдаланади. Давр-нинг иллатларини кўрсатишда қаҳрамон тили-дан вульгар ва жаргон сўзларни ҳам ишлатади. Давр ва келажакнинг туташ нуктаси топил-ган куйидаги шеърга эътибор қаратинг: Эр юзини “шоир” босиб кетажақдир, Хар қишига бир бош “шоир” тегажақдир. Ул шоирлар бир мирига тўрт юз гром, Бир нафасда шеър ёзиб беражақдир...

Шоирлик тақдирдир. Бу тақдирни фақат яшаш лозим. Уни тирикчилик воситасига ай-лантириш мумкин эмас. Бу ишга қўл урганлар-нинг келажаги бўлмайди, уларнинг ўзлари-да тизган сатрлари янглиг замон чигириндан

20-йилларга келиб Тавалло услубида яна бир ўзига хослик – назмда ҳам, публицист-тикада ҳам ҳажв имкониятларидан унумли фойдаланиш кўзга ташлана борди. Бу маълум маънода унинг “Муштум”даги фаолият билан чамбарчас боғлиқ эди. Чунончи, “Муштум”-нинг 1924 йил, 9-сониде босилган сарлавҳаси ҳам ўзига хос: “Тошқанда (майда-чуйдалар-дан)”. Мақола бошдан-оёқ кесатик, истеҳзо, пичинглар асосига қурилган. Шақлан ҳам насрий, ҳам назмий қисмлардан таркиб топ-ган: “Кўкча дарвозаси бу йил жулда обод бў-либ, Ҳамроқул қорилар ханграй бериб, мияни суюлтириб юборди. Халқ ҳам ёмон беъмал-нида!.. Илгари буларнинг овозига (Ўрате-пада! – менимча) келувчи кишилар бугун Ҳамроқул қори овозидан балодан қочган-дай қочадилар. Шу ҳам муслмончиликми?” Эътибор билан қаралса, умрини ўтаб бўлган хурофий одатларга ёзувчи томонидан ҳукм ўқилаётди. Бунинг мантйикий исботини мақо-ла давомида Ҳамроқул қори тилидан келти-рилган ашулада кўриш мумкин:

Қулук беринг, аё дўстлар, Емак-ичмак ганиматдур, Афюн, кўқнори, қорадору,

Наша чекмак ганиматдур...

Шоир парча орқали хурофий одатларга-гина эмас, ботқоққа ботган қисмалар яшаш тарзидаги иллатларга ўт очади. Ифода усу-лида пичинг етакчилик қилаётган, Ҳамроқул қори тилидан қундалик турмуш тарзи нима-дан иборат эканини муаллиф санаб ўтади: “емак-ичмак”, “афюн”, “кўқнори, қорадору, наша чекмак”, “қулук осмак”, “улук чопмоқ”, “бача ўйнашлик”, “ханграшмоқ”. Буларнинг барчаси таназзулдан бўлак натижа бермайди. Аслида, муаллиф жонқуярлиг у ташвиш билан таъкидлаётган ҳолат ҳам шунда.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, у қисқа ва лўнда киновий жумлардан воситасида жо-лағатта ботанларнинг турмуш тарзини намо-йиш этади. У диний қадриятларга қарши эмас, аксинча, диний қадриятларни хурофий жоҳил-лик билан қориттирган оломонини рўй-рост қаламга олади. Жумладан, “Бошдин аёгдан” мақоласида таъмагир қозилар аёвсиз ҳажв остига олинади: “Маҳалламизда иккита ман-саб уюшмаси юзага чиқди. Бир томонда Мир Фаизи деган, иккинчи томонда Султон қори деган аялоқ қори ақамиз бошиққудрлар. Жанжаллари тўйларда ош бошида қайсилар, нон тепасида қайсилари туриш тўғрисида бўлар эди. Шунинг учун маҳалламиз иккита бўлингон эди. Хайтовур, бирларини кеча ки-дирув шўба олиб кетиб, ош ҳам, нон бошида туриш ҳам ёлғиз рўй уюшмага қолибдур”.

Мақолада муаллиф олдий хабар ёзувчи муҳбир, аммо унинг позициясига эътибор бе-рилса, ишлар “бошдан-оёгдан”, халқона таъ-бир билан айтганда, боши ерда, оёғи осмон-да. Бу ўша даврдаги билимсизлик ботқоғига ботиб бораётган, онги маҳдуд одамлар савия-сига берилган баҳо бўлса, иккинчи томон-дан, “кидирув шўбасининг олиб кетиши”дан ўқувчи олдиндаги қама-қамалардан дарак топгандай бўлади. Бу шўро ҳуқумати барпо бўлганлигининг тўққизинчи йилдаёқ ижти-моий-сиёсий ҳаётдаги талотўпларига берил-ган баҳо эди.

Умуман олганда, Тавалло публицистикаси-да даврнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолари ақс этган, ўткир ҳажв остига оли-ниб, кескин танқид қилинган. Тавалло даврий хар бир масалага алоҳида эътибор қаратта-нини унинг адабий мероси мундарижаси ҳам тасдиқлай турибди. Унинг синчков нигоҳи-дан ҳеч нарса четда қолмади. Турмушдаги иқир-қиқирлар, ижтимоий тараккиёт йўли-да қўндаланг бўлган тўсиқлар, сиёсий-иқти-содий ишларда эгри йўл тутганларни аёвсиз фойда этади. Бу унинг ижодкор сифатидаги энг катта ютуғи эди. Ана шундай ютуққа эришол-ган ижодкорнинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз жозибасини йўқотмаган. Зеро, ҳақиқатдан сув ичган сатрлар боқийдир.

Дилдора РАҲМОНОВА, Тошкент давлат юридик университети ихтисослаштирилган филиали ўқитувчиси

ЎДНОМА

УМРИ КИТОБЛАРДА БАРДАВОМ

Тонг отгани-га кўп бўлмаса-да, саратон қуёши ҳа-воини қиздира бош-лаган пайт эди. Телефоним жиринг-лади. Нариги томон-дан Ёзувчилар уюш-маси русийзабон адабиёт шўъбаси котиби Александр Свистуновнинг о-вози келди: “Владимир Германович вафот этибди. Ҳо-зиргина менга онласидигилар хабар қилишди”.

Владимир Васильев бир неча йилдан бери Ёзув-чилар уюшмасининг русийзабон адабиёт шўъбаси-ни бошқариб келарди. 72 ёшни қаршилаган бу инсон фаол, изланувчан, қуёнчак, “Василид-2” тахаллу-си билан ижод қилувчи шоир, публицист ва фантаст ёзувчи эди.

Владимир Васильев илк шеърларини ўтган аср-нинг 60-йилларида ёза бошлаган, 1966 йили Ўзбекис-тон ёшлар газетасида биринчи шеъри чоп этилган, 1977 йилдан “Ёшлик” — “Молодость” (Тошкент) ба-ёзида шеърлари босилган. 1984 йили “Полет стрелы” (“Пайкон парвози”) номли дастлабки тўпламининг чоп эттирилган.

1990 йили “Звезда Востока” журналида ёзувчи-нинг “Фан фан сифатида” (“Наука как наука”) но-ми романи босилди. Бу интеллектуал асар тузуққина тайёргарлик билан ўқилиши керак, негаки, машиий мавзудаги олдий китобларни “ҳазм” қилиб юрган ўқувчининг уни англаб етиши маҳол.

Владимир Германович сермахсул ижодкор эди, унинг “Уни зулмат қулга олмади” («И тьма не объела его»), «Миттигина» («Микрошечка»), «Меҳмонхона» («Го-стиница») фантастик романлари, «Қуёнчак» («Хлопо-туша») роман-эпопеяси, «Хар қимга ўз муносиби бор» («Богу богово»), «Ўрмон ичкарисига...» («Дальше в лес...») қиссалари, «Дарё» («Река») сонетлар гулчамба-ри, кўп сонли хикоялари бор. Афсуски, асарлари ўзбек тилига кам таржима қилинган, шу боис унинг ижодидан ўзбек ўқувчилари тўлиқ баҳраманд бўлган эмас.

В.Васильев бугунги куннинг долзарб масалала-рига бағишланган қўллаб мақоалар муаллифи. У нимаики ёзмасин, барида Ўзбекистон нафаси уфу-риб турарди, айниқса, Тошкентни алоҳида меҳр бил-дан тасвирларди. Унинг асарларида миллий тарихи-мизга, кадриятларимизга бўлган меҳр шундоққина бақиб турибди.

Бир куни адабиётга тааллуқли “абодий ҳаёт” ту-шунчаси ҳақида гап кетганда, Владимир Герма-нович: “Киши ўзини абодий ҳаётга тегишли дея хис қилиши учун инсониятнинг ўтмиши ва келажакни, унинг рўй берган ва рўй бериши мумкин бўлган та-рихини худди ўз ҳаётидек қабул қилиши керак”, де-ган эди. Мен унинг шу нуктаи назарини ХХ асрнинг ўн еттинчи йилдаги Тошкент ҳаёти тасвирланган “Искандар довони” тарихий – фантастик хикояси сю-жетига учратдим.

В.Васильев инсон умри қисқа, аммо дўстлари, яқинлари, авлодлари хотирасида қолиши одам ҳаёти-нинг давомидир, деб ишонарди:

Соат мили – тугашдан дарак, Сукат ичра маънос чикиллар. Тунда ёнса шуъладан фалак, Дўстларимга мени эслатар.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг номи ўқувчилар хо-тирасида, асарлари китобхонлар ёдида яшаётгани унинг умри давом этаётганидан далолатдир.

Рисолат ҲАЙДАРОВА, Ёзувчи

XIX asr oxiri – XX asr бошларида Туркистонда юзага келган жадид тараққийпарварлик ҳаракатининг кўп асрлик ўзбек халқи тарихида муҳим ўрни бор. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Саидносир Миржаллов, Фитрат, Чўлпон сингари фидойилар халқни миллий истиқлол байроғи остида бирлаштириш ва миллий ўзбек давлатини барпо этиш йўлидаги илк қадамни ташлаган эдилар. Улар “Имодия”, “Турон” сингари маърифий жамиятлар ҳамда “Шўрои ислом”, “Турк адам марказият” каби сиёсий ташкилотларни тuzдилар, миллий мамлакат тақдирига дахлдор масалалар билан шуғулланиб, халқни эрк, ҳуррият ва мустақиллик сингари буюк тарихий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга интилдилар. Миллатни мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаш учун курашга даъват этган жадидлар бу йўлда халқ маорифини тараққий эттириш энг ишончли воситаси сифатида бирламчи даражага кўтардилар. Туркистонда олий таълим муассасаларининг йўқлиги боис жадид тараққийпарварлари ёшларни чет элларда ўқитишга, айниқса, Европа илм-фани ютуқлари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратганлар.

1909 йил 12 май куни Тошкентда тузилган Туркистон жадидларининг “Жамияти хайрия” ташкилоти талабаларни чет элларда ўқитишга раҳбарлик қилди. Ташкилот кўмагида ёшлар Россиянинг Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург, Туркиянинг Истанбул, Мисрнинг Қоҳира каби шаҳарларидаги дорилфунунларга ўқишга юборила бошланди. Шундай талабалар орасида кейинчалик Ғози Олим Юнусов, Холид Саид, Эсон Мусаев, Лутфулла Олимий каби ёзувчилар, олимлар, Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби етуқ ҳуқуқшунослар етишиб чиқди.

Туркистонда совет тузumi ўрнатилган, 1918 йил 21 апрелда Тошкентнинг янги шаҳар қисмида Туркистон давлат университети очилди. Бу олий таълим даргоҳининг педагогик жамоаси ҳам, талабалари ҳам асосан европалик кишилар вакилларида иборат эди. Маҳаллий миллатлар фарзандлари учун 1918 йил 12 майда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида Туркистон Муусулмон халқ дорилфунуни очилди. Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий мазкур дорилфунун шўъбасини очиб қиришди. Бироқ болшевик ҳуқуқоти томонидан руҳсат берилмади. Советлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб бориши билан 1920 йилдаёқ Туркистон халқ дорилфунуни ёпилди.

Айни пайтда ўлкада Туркистон давлат университетига ўқишга кириш учун тайёрлайдиган ўрта босқич билим юрталари йўқ эди. Туркистон давлат университети талабалари орасидаги маҳаллий ёшларнинг сони Москвадаги ўзбек талабалари сонидан ҳам кўп эди. Жумладан, 1920–1921 ўқув йилида Туркистон дорилфунунининг 2500 талабасидан атиги 2 нафари, Дорул илми Шаркия (Шарқшунослик институти)нинг 200 талабасининг 3 нафари ўзбек фарзандлари бўлиб, Тошкент темир йўл ишчилари факультетида ўқийдиган 70 нафар ўқувчи орасида ўзбек миллатига мансуб бирорта ҳам талаба йўқ эди.

Бу ҳол маҳаллий зиёлилар ва ёшларнинг жиддий норозилигига сабаб бўлди ва аввалдан мавжуд бўлган ёшларни чет элларда ўқитиш ғояси яна кўп тартибга қўйилди. Ўлкада таълимни ташкил этиш ва бошқаришда ўзбек билим хайяти муҳим ташкилот ҳисобланар эди. Бироқ унинг фаолиятини самарали қилишга ҳам совет ҳуқуқоти маъмурияти томонидан сунъий тўсиқлар қўйилган эди.

Элбек “Туркистон” газетасининг 1923 йил 27 январь сонидаги “Сўнгги кўмакни қимлардан қуттишимиз керак” мақоласида шундай ёзади: “Туркистондан четга бориб ўқиш учун 1921 йил бошларида ўзбек билим хайяти томонидан бир лойиҳа тузилди, бошида студент Сайидалихўжа бўлган ҳолда бир неча ўқувчиларнинг рўйхати олинди ҳуқуқматга топширилган эди. Бир неча муддат бунинг кетидан юриб, натижада ҳуқуқматимизнинг моддий кўмак бера олмаслиги билангина, бу масала ўз-ўзиндан тўхтади. Лекин ўқувчилар орасида кўтарилган четга кетиб ўқиш ҳаваси эса бунинг билан битмади. Ўқувчилардан қайси бир ўзига тўқроқлари (гарчи борлиқ нарсаларини сотиб бўлса-да) яна четга кетмак орзусида бўлдилар.

Буларнинг ўзари ташаббусини кўрган ўзбек билим хайяти четда томошачи бўлиб тура олмади. Бўлса-бўлмаса-да, умид билан ишга киришди ва четга кетгучи студентларнинг ўзларидан бир комиссия тузиб ва бунга ўз аъзоси бўлган Сайидалихўжани шул комиссияга бошлиқ этиб, “Кўмак” отида бир уюшма тузди...”

Умуман, “Кўмак” жамиятининг юзага келишида Маориф комиссарияти ўзбек билим хайяти қошида ўрта, олий мактабларда ўқиётган ўзбек ёшларининг “Адабиёт тўғраги” асосий ўзақ бўлиб хизмат қилди. Тўғарак томонидан 1922 йил 8 апрелда “Армуғон” номли бир марталиқ журнал чоп этилди. У ёш қаламкашларга улкан таърибга мактаб бўлди. Журналда Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида мақола, устоз Чўлпоннинг “Тилак йўлида” шеъри, Абдулла Авлоний-

нинг “Тарихий хикоя”лари билан бирга ёшлардан Боту, Ш.Сулаймон, Ойбек, айниқса, Хосият Тиллахонов кизи, Манзура Собир қори кизи (Ойдин), Х.Тожи кизи қабиларнинг шеърлари ҳам кенг ўрин берилди. Элбек, Усмонхон Эшонхўжаев, Саид Аҳмаднинг бир қатор илмий,

талабаларга ёрдам” мақоласида Германиянинг олий зироат мактабиди ўқиётган Абдуваҳхоб Муродийнинг “Кўмак” уюшмасига йўллаган мактуби ҳақида сўз юротади: “Ваҳхоб ўрток ул халқда хозир бутунлай таъминсиз қолгонлигини, агар ўз юртидан ёрдам бўлмаса, ўқишдан чиқишга мажбур бўлишини ёзади.

23 ноябрда Тошкент ёшларининг гап-мажлисларида шу тўғрида сўз кўзголиб, ўрток Ваҳхобнинг ёзган хати ўқулди ва дарҳол уни таъмин қилмоқ учун ташаббус бошланди. Гап мажлисида хозир бўлмаган бошқа ўртоқлардан ҳам йиғиб шул маблагни ўрток Абдуваҳхобнинг бир йиллик таъминотига етказмакка бўлинди”.

Усмонхон Эшонхўжаев эса “Туркистон” газетасининг 1923 йил 15 апрель сонидидаги мақоласида: “Туркистон, Бухородан Берлинга ўқишга кетган ўқувчиларнинг кўплари турлик муассасаларнинг кўмаги билан, баъзилари энг кўп бўлганда бир йиллик таъминотларига етарлиқ нарсани билан кетганлар. Баъзи бир талабалар жуда оз оқча, хатто қуруқ “таваккал” йўли билан бориб қолганлар.

кишилик истипендия очилиб, яхшигина таъмин этилганлар.

Четда ўқувчи болаларини йўқлаб тургон бошқа миллатлар каби бизнинг Туркистон зиёлилари, маорифпарварлари ҳам ўзларининг “жийда халқлари” билан четдаги ўқувчиларини йўқласалар, ёрдам етсалар яхши бўлур эди. Юрти, элидан узок тургон ўқувчилар Туркистондан шунини кутарлар”.

“Кўмак” ташкилотининг раҳбарларидан бири Аҳмаджон Иброҳимов Берлиндан Туркистонга йўллаган хатиди ташкилотни янада ривожлантириш учун ўз тавсияларини баён этади. “Кўмак” киска фурсат ичида Русия ва Оврупога бир қанча ўқувчилар юборишга муваффақ бўлди. Мана бу бошланган яхши ишларни давом эттириш, тобора кучайтириш керак. Бу “Кўмак” уюшмасидидаги ўртоқларнинг вазиғасидир.

Мен ишонмен, келар йилларда Туркистон ҳам бошқалардек минглаб ўқувчиларни четларга юборур. “Кўмак”нинг юборгон талабалари боргон ерларида уюшиб, “Кўмак”нинг обрўсини бошқалар олдида ҳам кўтарадилар”.

«КЎМАК» — ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИ ТАШКИЛОТИ



“Кўмак” вакиллари (ўнгдан): Чўлпон, Шоқир Сулаймон, Боту.



Боқуда драма студиясида ўқиган Ўзбекистон талабалари. Ўтирганлар (сўлдан): Ҳажима Хўжа кизи 2. Сайфи Олимий 3. Назира Ҳажим кизи 4. Шарифзода (мактаб мудири муовини) 5. Ҳалима Носир кизи 6. Раҳимберди Бобоҷонов 7. Ерқиний Шаҳбоз кизи 8. Тик турганлар 1. Хусайн Карим ўғли 2. Эҳроқ Қобил ўғли 3. Саъдулла Жўра 4. Каримжон Якубий

ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ўткир мақолалари чоп этилди. Шунингдек, кейинчалик Германияда таҳсилни давом эттирган Саттор Жабборнинг “Ўқсиз руҳим”, Сайидалихўжанинг “Табиятдан жавоб” мақолалари тўғрадаги ҳамиланган ёш қаламкашларнинг кучли бадиий дидидан далолат беради.

Дарҳақиқат, 1922 йилнинг май ойидан Тошкентда хорижда ўқиш учун талабаларни танлаш ва уларни керакли йўналишлар бўйича ўқув юрталарига тақсимлаш ишлари бошлаб юборилди. “Кўмак” уюшмасига ғоявий раҳбарликни Фитрат ва Чўлпон амалга оширган бўлса, ташкилий жиҳатдан Абдулла Раҳимов, Ахмад Икромов, Элбек, Қайюм Рамазон ва Боту катта ёрдам берди. Натижада кенг қўламли амалий ишларга киришилди. Жадид мактабларининг иктидорли ўқувчилари тез кунда ўлқанинг турли қисмларидан Тошкентга оқиб кела бошладилар. Қиска муддатда “Кўмак” ташкилоти томонидан чет элда ўқишни истаган юзлаб талабалар рўйхати тузилди.

1922–1923 ўқув йили бошлангани билан юзлаб туркистонлик иктидорли ёшлар Германиянинг Берлин, Россиянинг Москва, Петербург, Озарбойжоннинг Боку, Ганжа шаҳарларига йўл олдилар. Улар, асосан, Фитрат ва Файзулла Хўжаев ажратган Бухоро Халқ Республикаси сармоси, “Кўмак” ташкилоти томонидан йиғилган пуллар ва айримлари ота-оналарнинг хисобидан йўлга чиқдилар. Ғози Юнуснинг “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 22 июль сонидида босилган хабарида Бухоро Халқ Республикаси “Кўмак” уюшмаси илтимосига кўра айрим туркистонлик талабалар учун ҳам ҳомийликни ўз зиммасига олгани айтилди.

Бу ҳаракат бутун Туркистон зиёлилари томонидан улкан ҳодиса сифатида эътироф этилди. Бироқ кўп ўтмай тўпланган пул жуда камлиги маълум бўлиб қолди. Натижада барча миллатларпарвар зиёлилар чет элларда тахсил олаётган талабаларни қўллаб-қувватлашга бош қўшдилар.

Ғози Юнус “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил 6 сентябрь сонидида “Ўқигувчи талабаларга кўмак бериш лозим” мақоласида: “Русияда ўқигувчи талабаларимиз учун ўзимиздан тўпланган нололардан бир миқдорни ва миллий боилгинимиз бўлган вақфларнинг йиллик вардатидан бир қисмини ажратиб, талабаларимизни овқат, кийим ва ўқув қуроллари билан таъмин этишимиз керак. Бундан бошқа ҳеч чора йўқдир”, деб ёзади. Чўлпон “Туркистон” газетасининг 1922 йил 26 ноябрь сонидида “Четдаги

Маълумдирким, жаҳон уруши Германиянинг иктидорли аҳолини жуда издан қилдириб юборди. У ерда ҳам биздагидек соат сари бозор баҳолари кўтарилиб, оқча қадри кун сайин тушиб боради. Бутун Туркистондаги ҳиммат эгалари, жамоат ходимлари, маъсул ишчиларимиз турлик йўллар ва керак топилган ҳар бир чорани кўришлари лозим. Агар уларнинг овози Туркистонда эшитилмас экан, у вақт ўқишларини давом эттира олмасдан илжосиз Туркистонга қайтиб келишга мажбур бўларлар. Бу ҳунуқ ҳол. Албатта, Туркистон жамоат, маориф ходимлари ва маъсул ишчиларга уятдир”, дейди ва ҳуқуқматни талабаларнинг таълим олишини молиялаштиришда амалий ёрдам кўрсатишга даъват этади. Мазкур газетада босилган (1921 йил, 11 март сон) яна бир мақолада Салихон Тиллахонов шундай маълумотларни келтиради: “1922 йил ўқиш мавсумида Тошкентда ташкил этилган “Кўмак” уюшмасининг ташаббуси, Бухоро жумҳуриятининг гайрати ва Шўролар Русиясининг соясиди Туркистон ва Бухородан 70 га яқин ўқувчи Германияга кетган эди. Германияда Россиянинг 10000, Япониянинг 4000, Туркиянинг 3000 талабаси бор экан... Мана бу ҳисобга қараганда 12 млн. нуфусга молик Туркистонимиздан 70гина талабанин бўлиши ҳеч вақтда бизни қаноатлантира олмайдур”. Муаллиф ўлкадаги техник билим-қўнмақларнинг жаҳон тараққийтидан нақадар ортада эканлигини қўллаб-қувватлаш билан тушунтиради. Европанинг оғир ва энгил саноати, кишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ютуқларини жорий этишда четда ўқиган талабаларнинг аҳамиятига алоҳида ургу беради.

“Туркистон ёшлари борлиқ ҳаётимиз, нақотимиз маорифда, маориф ҳам Оврупода эканлигини билиб, Оврупо сари оғила бошладилар. Натижада, Қарқоз Боқуда 50лаб, Масков, Петербургда 150лаб, Берлинда 70лаб, бутун Оврупода борлиги 270га яқин Туркистон ўқувчиларини кўрамыз. Бу кўриниш ҳар ҳолда Туркистоннинг келгусини порлоқ, тарихининг жонлиқ эканлигини билдиради. Ундай бўлса-да, бир оз умид бўлганда. Бирок хайҳотки бу сонлар бошқаларга қараганда йўқ даражадидир. — деб ёзади Шоқир Сулаймон “Оврупода Туркистон ўқувчилари” (“Туркистон”, 1922 йил 24 сентябрь) мақоласида. — ...Масковдаги хисобсиз олий, ўрта мактабларда ўқувчи шогирдлар орасида туркистонлилар денгиздан бир томчи қабилалардир. Ўтган йили Туркистон ўқувчилари Масковда ёлғиз 10 та бўлганлари ҳолда, бу йил Петербург, Масков ўқув юрталарида 100

Ташкилотни янада ривожлантириш учун “Кўмак” уюшмасини фақат ўзбекларники эмас, бутун Туркистон эрлик халқи “Кўмак” уюшмаси деб аташ, “Кўмак”нинг барча вилоятларда бўлимларини очиб, “Кўмак”ни тарғиб этиш, газета ва журналларда мақолалар бостириш, Рамазон кириши билан ҳар бир шаҳар ва кишлоқлардан кўмак тўплаш, ҳайит кунига “Кўмак” уюшмасининг аҳамиятини тушунтириш учун газета чиқариш, ёшларнинг қизиқишларини ўрганиш ва Россия, Европа, Америка дорилфунунлари ҳамда ўрта мактабларининг дастурлари, ўқиб ва ўқитиш йўллари билан туркистонлик ёшларни таништириб бориш зарурлиги илгари сурилди.

“Кўмак” ташкилотининг амалдаги раҳбари Салихон Тиллахонов ташкилот учун жуда қўллаб-қувватлаш беминнат ёрдам бергани, айниқса, ҳуқуқмат идораларида ишловчи ёшлар ҳам ҳиммат кўрсатганини таъкидларкан, улар қараб турмасдан ўз зиммаларидаги хизматларни бажо келтирмоқдалар, дейди. Ўқувчилар томонидан бир неча ерда клуб, томоша ва йиғилган уюштирилиб, маблаг тўплашганини, бундан бошқа ҳар бир шаҳар ва уездларга алоҳида вакиллар юборишганини айтиди. Бироқ “Кўмак” ташкилотининг муваффақиятларидан ҳайҳанқан шўро маъмурилари зулдиқ билан ташкилотни тугатишга киришдилар.

“Кўмак” ташкилотининг фаолияти тўхтатилгани ҳақида дастлаб маъбуотда Қосим Сорокиннинг мақоласи босилди. “Туркистон”нинг кейинги (1923 йил 20 апрель) сонидида Бос “Бир йил олдин жуда катта умидлар билан иш бошлаган “Кўмак” ташкилотиди эндиликда фақат бир киши қолган”ини ёзади. Мақолада “Кўмак” уюшмасига аниқ ишлаш жоий берилмагани учун ташкилотга тегишли ҳужжат ва қозғалар Туркистон Маориф Комиссарилиги йўлақларида сочилиб ётгани айтилади. Хорижда ўқишни истовчи ёшлар аввалгидан уч баробар қўплитига қарамай, ташкилотни уюштириш ва ишини юритишга на пул ва на бирорта маъсул одам қолмаган, дейди муаллиф.

Шундай шароитда ташкилот вилоятлар ва қуйи поғоналарда иш юрита бошлаган. Жумладан, “Кўмак” уюшмасининг Самарқанд бўлими ҳам кенг қўламли тадбирларни амалга оширган. Муаллим Исмагулла Раҳматуллозада Жиззах ва Ўратепа шаҳарларида бориб, жами 9571 сўм маблаг тўплаб қайтган ва “Кўмак” ташкилотининг Самарқанд бўлимига топширган. “Зарафшон” газетаси Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа, Каттакўрғон шаҳарларидаги фаоллар хорижда ўқиётган талабаларининг манзил-

ларини билмагани учун ёрдам жўната олмаётганларини маълум қилади. Газета ёрдамга муҳтож талабалар ва уларнинг манзилларини сўраб эълон берган.

1923 йил 29 апрель куни Самарқанд зиёлилари томонидан “Кўмак” адабий кечаси ташкил этилиб, ташкилот учун 7000 сўм пул маблаг тўпланган. Бу ишда фаоллиги ва энг кўп ҳиммат кўрсатган инсон сифатида Ҳожи Муин Шукруллаев кўпчилиққа шахсий намуна кўрсатган. 1923 йил 19 май куни Рамазон Хайити муносабати билан “Кўмак” номли газетанинг махусус сони чиқарилди.

1922–1923 ўқув йили туркистонлик ёшлар учун бир қатор муваффақиятли бошланган эди: юзлаб ёшлар Москва ва Петербургнинг турли нуфузли илм даргоҳларига талаба сифатида қабул қилиндилар. Аммо уларнинг на ётоқхонаси ва на пули, хатто кишки кийимлари ҳам йўқ эди. Шу муносабат билан “Туркистон” газетасида босилган хабарда айтилишича, “Бу йил Масков ва Петербургда турлик билим юрталарга ўқимок учун кўпгина йигитларимизнинг кетганликлари маълумдир. Масков ярмаркаси-

балар учун партияга 18 фоиз, ёшларга 17 фоиз(комсомол), дехқонларга 20 фоиз, касабга уюшмаларга 45 фоиз, деб белгиланди. Партия ёки ишчилар ҳисобидан ўқишга йўланма олиш учун 3 йиллик стаж талаб этилади. 1923–1924 ўқув йилига Туркистонга рабфак учун 4 нафар, Туркистонда мавжуд бўлмаган олий мактабларга 10 нафар ўрин берилган эди. Бу билан Россиянинг марказий шаҳарларида туркистонлик талабаларнинг кўпайишига жиддий тўсиқ қўйилди.

1923 йил Россиянинг марказий шаҳарларида ўқиш учун 10–12та ўрин ажратилганига қарамай, Туркистондан ўз кучи билан бориб Москва, Петербург олий мактабларига қирган талабалар 60–70 нафардан ортиб кетди. Шўро ҳуқуқоти бу ёшлар учун стипендия беришни ўз зиммасига олмади. Шундан сўнг А.Қамчинбек раислигида таркибиди А.Икромов, Х.Бурнашев, Т.Рисқулов, А.Раҳимов, Х.Тожи бўлган комиссия томонидан ҳуқуқмат стипендиясини олаётган талабалар қайта тафтиш этилди. Унга кўра Туркистон ҳуқуқоти стипендия тўлаган ўқувчиларнинг кўпчилиги рус миллатига мансуб талабалар бўлиб чиқди. Натижада туркистонлик талабалар тўлиқ стипендияга ва ётоқ жойларга эга бўлдилар. Туркистон ва Бухоро ҳуқуқоти биргалиқда Россиядаги туркистонлик талабалар учун 150–200 ўринли ётоқхона сотиб олиб, таъмирдан чиқариб берди. Талабаларга кишиги кийим олишлари учун қарз пуллар тарқатилди. Бироқ турли уйдирмаларнинг авж олдирилиши натижасида туркистонлик талабаларга нисбатан таълим ортиб борди. Ўқувчилар илм-ҳунар соҳиблари бўлишидан ташқари, партия аскарлари, сиёсий тарғибчилари бўлишлари керак, деган қарар қўйилди.

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрига туркистонлик талабалар 1911–1912 йиллардан кела бошлаган эди. 1916–1917 йилларда эса Боку педагогика техникумида Максуд Бехбудий, Салим Тиллахонов, Қайюм Рамазон каби ўнлаб туркистонлик талабалар таълим олганлар. “Кўмак” уюшмасининг ўқувчилари эса 1922–1923 йилдан кела бошлаганлар. Улар Озарбойжон давлат дорилфунуни, олий техника институти, нафис санъат, рабфак ва бошқа мактабларда аъло баҳола- ра ўқидилар. 1923 йил “Кўмак” уюшмаси томонидан талабалар учун махусус ётоқхона сотиб олинди. Унда алоҳида қутубхона ва талабаларнинг 15 кунда бир чиқадиган “Ёш қалам” деворий газетасининг фаолияти мунтазам йўлга қўйилган эди.

Боку билим юрталарига кейинги йилларда ҳам талабалар юбориб турилган. 1929 йил “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 5-сониди Музейяннинг “Боқуда ўзбекистон йигитлари” мақоласи босилган. Унда ёзилишича, 1928 йил 19 нафар ўзбекистонлик талаба Боку таълим муассасаларини битириб ватанга қайтганлар. Улар бутун халқ ҳўжалигининг турли йўналишларида жавлон уриб меҳнат қилмоқда, дейилади мақолада. 1928–1929 ўқув йилида Боку шаҳрида таълим муассасаларининг турли йўналишларида ўзбекистонлик 46 нафар йигит тахсил олган. Талабалар ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан борган.

Туркистонлик ёшларни чет элларда ўқитиш мақсадида ташкил этилган “Кўмак” уюшмаси ҳам айнан совет таълим сиёсатининг ноҳақлиқларига қарши миллий тараққийпарвар ёшларнинг ўзинга хос кураши ифодаси эди. 1922–1923 ўқув йилида Германияга 70 дан ортиқ талаба йўлланган бўлса, кейинги йилларда унга бирорта ўқувчининг қўшилиши имкони бўлмади. Аксинча, совет раҳбарлари 1924 йилданқо бу талабаларни қайтаришнинг турли йўлларини қидира бошладилар. 1922–1923 ўқув йилида Москва ва Петербург шаҳарларида 150 га яқин, Бокуга 50 дан ортиқ ўқувчи йўлланган бўлса, кейинги йилларда бу шаҳарларга ҳам талабалар юбориш тобора қисқариб борди. Юборилганлари ҳам турли коммунист идоралар йўлланмаси билангина амалга оширилди. Хуллас, “Кўмак” ташкилоти бир йил ҳам фаолият кўрсата олмади. Бироқ “Кўмак” томонидан четга ўқишга юборилган 200дан ортиқ талабанин орасидан жаҳон илму фани тараққийига муносиб ҳисса қўша олган етуқ олимлар, инженерлар, муҳандис архитекторлар етишиб чиқди. Минг афуски, уларнинг ақсар қисми 1937–1938 йиллардаги машум сталинча қатагон даврида маъд этилди. Шунга қарамай, улар тўлиқ ишонч билан ўзбекистоннинг замонавий кишлоқ ҳўжалиги, ирригация, қимё, тиббиёт, энергетика ва тўқимачилик саноатларининг асосини яратган, дейиш мумкин. Уларнинг ўзбекистондаги меҳнат фаолиятини ўрганиш, илмий ва адабий меросларини тадқиқ этиш алоҳида илмий аҳамиятга молик.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Одил ИКРОМ



Кўзингда бир калом тентирар унсиз,
Кўзингда бир қайғу жилмаяр маъсум.
Ахир, мен – кафанга ўралган бир хис,
Кўзларинг оқиға чулганган мардум.

БИР ТОЗА ЮРАКДА КЕЛАР ЯШАГИМ

Ари.и тун

Тун бўйи сиктаган соғинчларим оч,
Кўкрагимга ботган кимнинг излари?
Нечун бунча совук ланнати қувонч,
Нечун, бунча гўзал гамнинг кўзлари?

Бир тоза юракда келар яшагим,
Қанча юракларга келтирдим малол.
Нечун, ўзим билан ўзим яшадим,
Нечун, ўзимдан ҳам ўлигим ҳалол?

Юрагим талпинар соғинч роҳида,
Кўкрагимни босиб ўтди қуларим.
Юраклар қонидан, юрак қонидан
Нечун кўнгил тўлар,
Нечун тун ярим?..

Нима қиламиз?..

Хавфлидир қоронғи юрак юртининг
Соғинчи, сафаринг...
Нима қиламиз?..
Ғарибдир хотира, ҳаёл уфқининг
Хар шому сахаринг...
Нима қиламиз?..

Қолмади одамий махлуқотларнинг
Ҳаромдан ҳазаринг...
Нима қиламиз?..
Ошимиз захардир,
Сархўр зотларнинг
Ош бўлди захаринг...
Нима қиламиз?..

Юракларда инонч йўқолди бир кун,
Келмади хабаринг...
Нима қиламиз?..

Жонимни садақа қилдим ишқ учун,
Илмади назаринг...
Нима қиламиз?..

Сотилар арзонга, сотилар текин,
Одамзод жавҳаринг...
Нима қиламиз?..
Шайтонга тош отдик, тегмади леккин –
Шайтонга зараринг...
Нима қиламиз?..

Кўзимга оловдай кўринган чўғлар
Кўнгиллардан нари...
Нима қиламиз?..
Ёну атрофимда дайидан ўқлар
Жонга тегди баринг...
Нима қиламиз?..

Ушқ

Мен фақат кўнгилнинг хизматкориман,
Унинг истагини этурман адо.
Қурбақа, қурбақа, қурбақаниман,
Мен сенинг қўчагидан юрган бир гадо.

Захкаш ариқларда ой синар чил-чил,
Ям-яшил тўнингдан мўралайди тун.
Мендан қолиб кетар бир кун бу кўнгил,
Мен подшоҳ бўламан, ишонгил, бир кун.

Мен бездим жонимга теккан ўйлардан,
Ишончим қолмади на ёр, на дўстга.
Кимгадир ишониб аро йўлларда
Қолиб кетдим илон ташлаган пўстдай.

Ўл десанг, сен билан бирга ўлайин,
Мен ҳам ёш эмасман, сен ҳам қаридинг.
Сенга подшоҳлигим ёкмайди, тайин,
Менга ёқар сенинг қурбақалигинг.

Бизнинг орамизда нима қолди, айт,
Юраклар – таланган маъводай юпун.
Орамиздан ўтар ҳар дуойи бад,
Орамиздан ўтар Худо урган тун.
Баъзида юракни кўмар нолага,
Юраклар оралаб ўтган ер изи.
Баъзида осмон ҳам тушар орага:
Зарҳал харф битилган уфқ териси.
Орадан ой ўтар – ойсиз туларим,
Орадан йил ўтар – чўзилган қасос.
Сенсиз ўтаётган менинг қуларим
Менинг гуноҳимдан ўтмайди, холос.
Орадан бешафқат ўтиб кетар вақт,
Биз бевақт қартайган норасидамиз.
Бизнинг орамизда нима қолди, айт,
Жавоб бер, кимларнинг орасидамиз?..

Ўйласам, юракни ваҳима босар,
Ўйлар жуда оғир, жуда ҳам оғир.
Кетсам, қисматимга қаро қор ёғар,
Қолсам, юрагимга ёғмоқда ёғир.
На тўхтар, на йўлга бошлайди тана,
Рухим ҳам негадир на шод, на ғамгин.
Қолсам – уволингга қоламан яна,
Кетсам – саволингга қоламан тагин.
Нечун олқанганча оҳ-зорларингни,
Маломат ёғилар билмасдан тиним?
Нечун мен суяман озорларингни,
Нечун мен суяман, суймайди жиним?..
Мени тушунмади бу ерда ҳеч ким,
Мен ҳам англамадан ҳеч кимни, аммо,
Қолсам, нечун шайтон хириглайди жим,
Кетай десам, нечун йўл бермас Худо?..

Назм

Кўркма, азоб берса агар ит талаб
Ёки хафа қилса дўстинг, душманинг.
Тўкилган ёғинни битга-битталаб
Териб олар фақат умид қушларинг.

Кўркма, ёмон кўрса сени ўзгалар,
Қандай яралгансан – яшайсан шундай.
Фақат, ўтинаман, очма сўзга лаб,
Сен менга жуда ҳам яқинсан тундай.

Кўркма, кўнгилнинг тор йўлақларига
Хазондай сочилса игволар тоши.
Улғаяр нафратнинг йўрғақларига
Фақат ишқ, фақат ишқ – юрак фарроши.

ИЖОДКОРЛАРГА МАДАД

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида
поликлиникамига ўн бир минг нафардан зиёд
уошма аъзоси ва уларнинг оила аъзоларидан
мурожаатлар бўлган. Уй шароитида патронаж
тиббий хизмати бўйича икки юздан ортиқ
катновлар амалга оширилди. "Дўрмон" ижод
уйи тиббий пунктига ва Ёзувчилар уюшмаси
марказий аппарати тиббиёт пунктига минг
нафардан ортиқ мурожаатлар бўлган. Бепул
йўлланмалар билан йиғирмага яқин уюшма
аъзоси тиббий марказларга ётқизиблиб
даволанди. Янги аниқланган хасталиклар бўйича
уошма аъзолари фаол диспансер рўйхатида
олинган. Ушбу рўйхатдаги беморлар соғлиғидан
мунтазам хабар олиб турилмоқда. Шо-
шилинч ва бирламчи ёрдам кўрсатиш учун
дори-дармонлар "Ижод" фонди томонидан
ўз вақтида таъминланиб турилди. Енгил
терапевтик касалликка чалинган уюшма
аъзолари учун "Дўрмон" ижод уйида реабилитация
ва муолажалар йўлга қўйилган бўли-
були, уларнинг соғлиғи қисқа муддатда қайта
тикланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чора-
гида уюшма аъзолари ва уларнинг оилалари
тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Корона-
вирус пандемиясига қарши поликлиниками-
да махсус карантин изолятор хонаси, Уюш-
ма маъмурияти биносидан ва "Дўрмон" ижод
уйи тиббий пунктида ҳам изолятор постлари
ташқил этилди. Ушбу тиббий постларда хиз-
мат олиб борадиган шифокор ва ҳамширалар

хароратни ўлчаш асбоблари, бир мартаклик
тиббий махсус кийим, кўлоп, дезинфекция-
ловчи эритмалар ва биринчи тиббий ёрдамни
кўрсатишга мўлжалланган дори-дармонлар
билан тўлиқ таъминланган.
Пандемия даврида тиббий асбоблар ва
жиҳозларни юқори сифатда дезинфекция-
ловчи автоматик ишлайдиган қатта сизимда-
ги замонавий ускуна харид қилиниб, ишга
туширилди. Июнь ойида поликлиниканинг
ички қисми тўлиқ тиббий санитария меъёр-
лари бўйича таъмирдан чиқарилиб, бел ва
бўйин умуртқаларини дори-дармонларсиз
даволашга мўлжалланган махсус ускуна (авто-
мат тракторик ускунаси) ва жароҳлик ҳамда
травматологик касалларга ёрдам кўрсатишда
қўлланладиган кўп функцияли жароҳлик
столи харид қилинди. Пандемия даврида кўп
фарзандли ва кекса ёшдаги тиббиёт ходимла-
рига ўз хисобидан меҳнат таътилига чиқишга
рухсат берилди. Хар ойда уларга компенса-
ция пул маблағлари бериб келинмоқда. Айни
пайтда поликлиниканинг навбатчи шифокор-
лари мурожаат этаяётган уюшма аъзоларига
телефон орқали маслаҳатлар бериб, уларни
зарур ҳолларда касалхоналарга жойлашти-
ришмоқда.

Анвар РАЖАПОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
поликлиникаси бош шифокори

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУН

2020 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича
фонд маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига 3885,3 млн.
сўм миқдориди шакллантирилган. Жумладан, ноширлик
ва матбаа корхоналарининг босма махсулотларини реали-
зация қилишдан, шунингдек, босма махсулотларни ишлаб
чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ тахир, мат-
баа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушум-
нинг бир фоизи миқдориди ажратмалар 3149,7 млн. сўм,
"Дўрмон" ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналари-
ни ижарага беришдан олинган даромадлар 196,0 млн.
сўм, поликлиника томонидан пуллик хизмат кўрсатишдан
тушган тушум 46,1 млн. сўм, ёрдамчи хўжалиқдан тушган
тушум 8,0 млн. сўм, фондинг вақтинча бўш маблағлари-
ни жойлаштиришдан олинган даромадлари 477,7 млн.
сўм, юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик ёрдами
ва бошқа даромадлари 7,8 млн. сўмни ташқил қилди.
2020 йилнинг биринчи ярим йили давомида фонд
харажатлари 6457,5 млн. сўмни ташқил этиб, қуйидаги
йўналишларга сарфланган: поликлиника саклаш хара-
жатлари 963,2 млн. сўм, "Дўрмон" ижод уйини саклашга
728,2 млн. сўм, ижодий кўрик-танловлар ва илмий-ама-
лий семинарлар ташқил этишга 10,2 млн. сўм, мумтоз ва
замонавий адабиёт намуналарини хорижий тилларга тар-
жима қилиш, интернет орқали ва чоп қилган ҳолда кенг
тартиб этишга 85,3 млн. сўм сарфланди.
Шунингдек, ижтимоий ва ижодий фаол, кенг китоб-
хонларнинг ширини қозонган адибларнинг ижодий ке-
чаларини ўтказишга, Уюшма муассислигидаги нашрларни
қўлаб-қувватлаш, Уюшма ижодий кенгашлари ишида қат-
нашган адабиётшунослар ва тақризчилар меҳнатини раг-

батлантириш, марказий аппарат ходимларини молиявий
қўлаб-қувватлаш каби ишларга ҳам маълум миқдорда маб-
лағ сарфланди. Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, уюшма
аъзоларининг ижодий хизмат сафарлари харажати 30,4 млн.
сўмни, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят бўлима-
ларининг моддий-техника базасининг мустаҳкамлигига 137,7
млн. сўм, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Қорақалпоғистон Ёзув-
чилар уюшмаларини саклаш харажатлари 1839,2 млн. сўм,
"Ижод" фондинг ижро этувчи дирекциясини саклаш хара-
жатлари 264,8 млн. сўм, "Ижод" фондинг худудий бў-
лимларини саклаш харажатлари 250,5 млн. сўм, Васийлик
кеңгаши тошириқлари асосида амалга оширилган бош-
қа харажатлар 1382,9 млн. сўмни ташқил этиди.
2020 йил 1 июль ҳолатига кўра "Ижод" фондинг хис-
собо рақамида 6242,8 млн. сўм қолдиқ маблағ мавжуд.
Фонд маблағлари ҳисобидан 2020 йилнинг биринчи
ярим йили давомида 70 нафар кекса авлодга мансуб уюш-
ма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларига 83,7 млн.сўм миқ-
дориди моддий ёрдам ажратилди ҳамда 56 нафар уюшма
аъзосига 21,0 млн. сўм миқдориди зарур озик-овқат мах-
сулотлари етказиб берилди. Уюшма муассислигидаги газета
ва журналларга икки юздан ортиқ намуна аъзолари билан
журналистика ва адабиёт тарғибига қўлдош берилди. Сардоба
туманидаги табиий офатдан талофат қўрган оилаларга ўттиз
миллион сўм миқдориди зарур озик-овқат махсулотлари ва
бадий адабиётлар тақдим этилди. Олти ой давомида қирқ
етти номдаги 85700 нуسخада танланган асарлар, "Адиб ва
жамият", "Сўз чамани" ружилари остида бадий адабиётлар
нашр этилиб, ўқув юртлиари, жамоат ташкилотлари, махал-
лалар ҳамда ҳамкор ташкилотларга бегараз тарқатилди.
Шерзод ИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
"Ижод" фонди раиси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ва «Ижод» жамоат фонди жамоа-
лари Ёзувчилар уюшмасининг ру-
сий тилида адабиёт шўбасини раис,
адиб
Владимир ВАСИЛЬЕВнинг
вафоти муносабати билан мархум-
нинг оила аъзолари ва қариндошла-
рига чуқур ташвиш изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ва «Ижод» жамоат фонди жамоа-
лари уюшма аъзоси
Рустам ҒАНИНнинг
вафоти муносабати билан мархум-
нинг оила аъзолари ва яқинларига
ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ва «Ижод» жамоат фонди жамоа-
лари уюшма аъзоси
Дилбар ТУРСУНОВАнинг
вафоти муносабати билан мархум-
нинг оила аъзолари ва яқинларига
ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ва «Ижод» жамоат фонди жамоа-
лари уюшма аъзоси
Ибрагим СОДИҚОВнинг
вафоти муносабати билан мархум-
нинг оила аъзолари ва яқинларига
ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма
театри жамоаси театрининг ёритиш
цеҳи бўлими бошлиғи Маҳмуджон
Арипджановга отаси
Оқилжон АРИПДЖАНОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдард-
лик билдиради.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъ-
ати" газетаси жамоаси газета
муҳбири Сарвара Қосимовага отаси
Раъно ЖўРАЕВАНING
вафоти муносабати билан ҳамдард-
лик билдиради.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги ҳамда
"Илм-маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили"
муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги 9-сон қарори ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 21-22 май кунлари Тошкент шаҳрида ташқил этилган
Адиблар хиёбонига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
танлов эълон қилади

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Танловга тақдим қилинадиган замонавий дра-
матик, мусикали драма ва кўғирчоқ пьесалари
қуйидаги йўналиш ва мавзуларда:
– аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксал-
тиришда муҳим аҳамият касб этувчи бадий-ғоя-
вий баркамол саҳна асарлари;
– факулдада ҳолатларда инсонийлик жасора-
ти ва фидоийлик намуналарини кўрсатган замона-
миз қаҳрамонлари;
– шифокорлар, олимлар, ҳарбийлар, ички
ишлар, санъаткорлар, ўқитувчилар, ҳайдовчилар,
курувчилар, ёш ихтирочилар;
– саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар,
деҳқонлар, чўпонлар;
– диний экстремизм, одам савдоси, миграция,
гастербайтерлик, ОИТС;
– бугунги кун муаммолари ва ютуқлари, жа-
мият ҳаётидаги ўзгаришлар акс этган давримиз-
нинг илгор аёллари ҳаёти акс этган, миллийларо
баргикенглик, ватанпарварлик, миллий ва умум-
башарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғула-

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир
Салим АШУРОВ
Хамқоримиз:
akfa
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42
Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

рини, инсонпарварлик гоъларини ўзида жо этиб,
ёшларга ибрат бўладиган тарихий, замонавий дра-
матик, мусикали драма ва кўғирчоқ пьесалари бў-
лиши зарур.
Асарлар Маданият вазирлигига ариза орқали
тақдим этилади.
Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 3 нус-
хада (электрон вариант билан), компьютерда
А4 форматда, 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчи-
рилган бўлиб, ҳажми 25-30 саҳифадан ошмас-
лиги зарур.
Танловда ёшидан қатъий назар, барча ижод-
корлар драматургиянинг замонавий драматик,
мусикали драма ва кўғирчоқ пьесаси жанридаги
асарлари билан иштирок этиши мумкин.
Асар белгиланган тартибда юборилмаса, муро-
жаатлар кўриб чиқилмайди.
Тақдим қилинган асарлар муаллифларга қай-
тарилмайди.
Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари то-
монидан кўриб чиқилади. Танлов ғолиблари 3 та

йўналиш (замонавий драматик, мусикали драма ва
кўғирчоқ пьесалари) бўйича мукофотланади:
1-ўрин (замонавий драматик йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 32 баробари;
1-ўрин (мусикали драма йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 32 баробари;
1-ўрин (кўғирчоқ пьеса йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 30 баробари;
2-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши
бўйича жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг
кам миқдорининг 30 баробари;
2-ўрин (мусикали драма йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 30 баробари;
2-ўрин (кўғирчоқ пьеса йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 29 баробари;
3-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши

бўйича жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг
кам миқдорининг 29 баробари;
3-ўрин (мусикали драма йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 29 баробари;
3-ўрин (кўғирчоқ пьеса йўналиши бўйича
жами 1 та) меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқ-
дорининг 28,1 баробари.
Танловга ижодий ишлар 2020 йилнинг 1 но-
ябрга қадар қабул қилинади ва ғолиблар жорий
йилнинг 8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Кон-
ституцияси байрами арафасида эълон қилинади.
Асарлар Ўзбекистон Республикаси Маданият
вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожланти-
риш бошқармасига юборилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Т.Шевченко кўчаси, 1-уй. Театр ва цирк
санъатини ривожлантириш бошқармаси
Тел: 256-85-28

Тахририятга келган кўғизмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъулотиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хушоно АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигида томонидан
0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5048. Буюртма Г - 855.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Босмаҳона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топириш вақти - 21.00.
Босишга топирилди - 22.22.
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
ISSN 2381-614X
9 772381 614000